"Бразилия мўъжизаси": **энди навбат Тунисга** 13-бет ▶



8 (1326)-son 23-fevral 2018

# Xabar

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ СОНДА:

**ТАРАҚҚИЁТ САРИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР**
Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди
**2-3-бетлар**

**BEELINE — ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН ТАРАФИДА БЎЛ!**
Нуфузли компаниянинг хизмати шиорига мосми?
**5-бет**

**ИННОВАЦИОННОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ**
по улучшению зоны охвата высокоскоростным мобильным интернетом железных дорог Республики Узбекистан **6-бет**

**ТУЗ:**
Бир йиллик меъёр — бир килограмм **10-бет**

**КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ**
Компютер клавиатурасини ишлатишни ўрганамиз
**11-бет**

**ТАЖРИБА**
Болалар китоб билан дўстлашишлари учун 10 усул
**14-бет**

### ФАКТ

**Ўзбекистонда 2017 йили АКТ соҳаси ўсиш суръатлари бўйича етакчига айланди. Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида хизматлар ҳажми**

**7,9 трлн.**

**сўмни ташкил этди. Миллий дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажми**

**49 фоиз**га ўсди.

## ИНТЕРНЕТДА ЎТИРИБ ПУЛ ТОПИШ САРОБ ДЕСАНГИЗ АДАШАСИЗ

7-бет ▶





# IPTV

## Телетрансляцияларни ҳар бир абонент ўзи хоҳлаганидек бошқара олади

"Ўзбектелеком" АК етти йилдан буён мамлакатимизда IPTV хизматларини кўрсатиб келади. IPTV — бу телевидениенинг янги авлоди бўлиб, абонентларга интерактив хизматлардан фойдаланган ҳолда нафақат телекўрсатувларни томоша қилиш, ёзиб олиш, трансляцияни исталган вақтда тўхтатиб қўйиб, кейин уни кўришни давом эттириш, турли филм ва сериалларга буюртмалар бериш каби кўплаб имкониятларни тақдим этади. Бир сўз билан айтганда, телетрансляцияларни ҳар бир абонент ўзи хоҳлаганидек бошқаришига ҳам имкон беради.

"Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида IP протоколи (IPTV) бўйича маълумотлар узатишга асосланган телевидениенинг янги авлоди имкониятларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда "Ўзбектелеком" АК ҳамда "ZTE" компанияси вакиллари ускуналарни модернизациялаш, IPTV амал қилиш ҳудуди ҳамда маҳаллий томошабинлар ушбу технология воситасида фойдаланаётган хизматлар кўламини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беришди.

4-бет ▶

▶ ЯНГИЛИК

## UZMOBILE САЙЁҲЛАР УЧУН ҚУЛАЙ МОБИЛ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

UZMOBILE миллий алоқа оператори сайёҳлар учун қиммат роуминг ўрнига қулай мобил SIM-карталарини тақдим этади. Сайёҳлик сим-карталарини сотиш бўйича сервис мамлакатимиз аэропортларида, автовокзалларда ва оммабоп сайёҳлик жойларида ишлайди.

Рўйхатга олиш паспорт билан амалга оширилади. Шунингдек, икки турдаги телефон аппарати ёки мобил роутерни ижарага бериш хизмати ҳам кўрсатилади.

Роутер интернет пакет уланган SIM-карта орқали Wi-Fi тармоғини ташкил қилиш имконини беради. У бир нечта қурилмани симсиз интернетга улайди ва бир гуруҳ сайёҳлар ёки уларнинг оилалари учун қулай воситага айланади.



Тариф 30 кун фойдаланиш учун мўлжалланган, унга мулоқот учун дақиқалар ва интернет трафиги киритилган. Сим-картага қўшимча равишда кичик брелок берилади, уни калитга бириктириб қўйиш ва исталган пайтда ўз мобил алоқа рақамини билиб олиш мумкин.

▶ РЕКЛАМА



## Жумадан жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 15 феврал куни АҚШнинг "Женерал электрик" компанияси вице-президенти Роналд Жеймс Поллеттни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16-17 феврал кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 феврал куни импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш ўтказди. Унда маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш учун берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг натижадорлиги ҳам таҳлил қилинди. Йиғилишда Президент соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Озарбайжон ишбилармон доиралари вакиллари ва маҳаллий тадбиркорлар иштирокида бизнес-форум ташкил этилди. Тадбирда Озарбайжоннинг қурилиш, савдо, тиббиёт анжомлари, фармацевтика, қадоқлаш материаллари, матбаа, АКТ каби соҳаларда фаолият юритаётган йирик компанияларидан 20дан ортиқ вакил, маҳаллий корхона ва компанияларнинг 50дан ортиқ масъули иштирок этди.

**"Тараққиёт стратегияси" марказида 20 феврал куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбир Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Марказий Осиё ва Россия бўйича бошқарувчи директори Наталья Ханженкова бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи доирасида ташкил этилди.**

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида Умумжаҳон гидлар ва экскурсия етакчилари куни доирасида "Буюк ипак йўли: чегарасиз ҳамкорлик" II халқаро гидлар форуми ўтказилди. Форум доирасида "Буюк ипак йўли: чегарасиз ҳамкорлик" халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Гидларнинг кундалик фаолиятига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.

# ТАРАҚҚИЁТ САРИ

## Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

*„2018 йил давомида ҳудудларда мобил алоқа тармоғи қамровини кенгайтириш мақсадида 4000дан ортиқ база станциялари ўрнатилади"*

Шу йилнинг 19 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинди. Унда мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилётгани, шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилаётгани қайд этилган.



### Ўзбекистонда интернет тармоғи "охирги миля" тамойили бўйича кенгайтирилади

Президентимиз фармонига биноан, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, электрон давлат хизматлари ва телекоммуникация хизматлари спектрини кенгайтириш, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

■ "охирги миля" тамойили бўйича интернет тармоғидан кенг полосали фойдаланишни кенгайтириш, мултисервисли алоқа тармоқлари технологиялари, мобил алоқа бозори, бошқа замонавий телекоммуникация хизматлари, шунингдек, логистика ва почта алоқаси хизматлари орқали телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш;

■ давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, идоралараро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилиш, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базаларини, "ягона дарча" тамойили бўйича электрон давлат хизматлари кўрсатиш тизимларини шакллантиришга ягона технологик ёндашув амалга оширилишини таъминлаш;

■ давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал секторида инновацияларни жорий қилишга кўмаклашиш, рақамли иқтисодиёт ўсишини рағбатлантириш, шу жумладан, ишлаб чиқаришда комплекс автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш, электрон тижоратнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

■ шаҳар ва ҳудудий инфратузилмани, шу жумладан, келгусида интеграциялашган, "ақлли" ва "хавфсиз" шаҳар ягона комплексига бирлаштирган ҳолда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт логистикасини, шошилинч хизматларни бошқаришнинг замонавий интеллектуал тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш;

■ технопарклар ва коворкинг-марказлар фаолиятини ташкил қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида замонавий рақобатбардош ва экспорт учун мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ҳамда хизматларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилишини ривожлантиришни рағбатлантириш, шарт-шароитлар яратиш ва инвестицияларни жалб қилиш;

■ киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга ошириш, шахсий ва биометрик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича технологияларнинг қўлланишини тартибга солишда иштирок этиш ва бошқалар.

### Ҳудудларда АКТни ривожлантириш дастурлари ва устувор лойиҳалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 августга қадар муддатда 2018-2020 йилларга мўлжалланган ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш дастурларини ва устувор лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

**Тимур МАШАНПИН,**
***вазирлик бўлим бошлиғи:***

*— Мазкур дастур доирасида 2018 йил давомида ҳудудларда мобил алоқа тармоғининг қамровини кенгайтириш мақсадида 4000дан ортиқ база станцияларини ўрнатиш, 2000 км.дан ортиқ оптик толали алоқа линиялари қурилиши, жумладан, магистрал телекоммуникация тармоғининг ўтказувчанлик қобилиятини бугунги кундагидан 10 бараварга ошириш белгилаб олинган. Мазкур кўрсаткичларнинг ҳар бири ҳудудлар кесимигача тақсимланган ҳолда дастур сифатида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Энг эътиборлиси, мазкур йўналишлар бўйича молиялаштириш манбалари тасдиқланди. Уйлайманки, бу чора-тадбирлар телекоммуникациялар инфратузилмасининг ҳар бир аҳоли яшаш масканларигача ривожланишига сабаб бўлади.*

### Давлат органлари ва бюджет ташкилотлари АКТ мутахассислари маошига 100 фоизлик устама қўшилади

Ҳужжатга мувофиқ, 2018 йил 1 июндан давлат орган-

## Тайинлашлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5351-сонли фармонига мувофиқ, Азим Исраилович Ахмедхаджаев Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири лавозимига тасдиқланди, шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси лавозимидан озод этилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПҚ-3544-сонли қарорига мувофиқ, Шерзод Ҳотамович Шерматов Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирининг ўринбосари лавозимига тайинланди.

Шерзод Шерматов бунга қадар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи лавозимида ишлаб келаётган эди.

# МУҲИМ ҚАДАМЛАР

## вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди

лари ва бошқа бюджет ташкилотларининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларига бериладиган ҳар ойлик устама миқдори ходим лавозим маошидан 100 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

### “Ўзбекистон почтаси” АЖга банк ва суғурта хизматларини кўрсатиш ҳуқуқи берилади

Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигига икки ой муддатда “Ўзбекистон почтаси” АЖ почта алоқаси миллий операторига агент сифатида банк ва суғурта хизматларини кўрсатиш, шу жумладан, тўловларни қабул қилиш ва ўтказиш, банк карталарига хизмат кўрсатиш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш, ихтиёрий ва мажбурий суғурта қилиш хизматлари ва аутсорсинг шартларида бошқа хизматларни кўрсатиш ҳуқуқларини тақдим этиш масаласини ўрганиш ҳамда ушбу бандни амалга ошириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилган.

Вазирлик Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда “Ўзбекистон почтаси” АЖни, шу жумладан, чет эл маслаҳатчиларини жалб қилган ва илғор халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ислоҳ қилиш; почта алоқаси операторлари ва курерларининг тармоғини ривожлантириш, хорижда халқаро почта жўнатмаларининг алмашинув пунктларини ташкил этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш белгиланди.

Шунингдек, фармонга биноан “Матбуот тарқатувчи” АКни белгиланган тартибда “Ўзбекистон почтаси” АЖга қўшиш масаласини “Матбуот тарқатувчи” АК ва “Ўзбекистон почтаси” АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланиши қайд этилган.

### Инспекция муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилади

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси вазирлик ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция этиб қайта ташкил этилди.

Инспекция ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида қонунчилик, фонограммалар, аудиовизуал асарлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурларни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланиши белгиланди.

### “Компютерлаштириш маркази” вазифалари ва номи ўзгаради

“Компютерлаштириш маркази” ДУКни “Электрон ҳокимият” ахборот тизимини яратиш ва жорий этишни асосий вазифа деб белгилаган ҳолда “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” ДУКга айлантириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар кўрилади.



**Толибжон МИРЗАҚУЛОВ,**
вазирлик бўлим бошлиғи:

*— Фармонга биноан, 2018 йил 1 июндан тадбиркорлик субъектлари товарлар, ишлар (хизматлар) экспорт қилинганлиги учун экспорт шартномаси тузмасдан ва банк комиссияси ундирилмасдан интернет тармоғидаги электрон савдо майдончалари орқали товарлар, ишлар (хизматлар) экспортини амалга ошириш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижоратдан фойдаланиш орқали сотиладиган товарлар айланмаси уларнинг ҳажмидан қатъи назар, чакана савдо ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Бу ҳам мамлакатимизда электрон тижоратни янада ривожлантириш учун муҳим қадам ҳисобланиб, бу соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиб беради.*

### ТАТУда ўқитишнинг кредит тизими жорий этилади

Ҳужжатга биноан, АКТ вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида, шу жумладан, унинг филиалларида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига:

■ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда ўқув жараёнининг ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш суръатлари билан узлуксиз алоқасини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ўқув режалар ва дастурлар, битирувчилар учун малака талабларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

■ профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини ўқитишнинг кредит тизими шартларидан келиб чиқиб фақат таълимга хос тадбирлар асосида иш вақти ҳисобга олинишига асосланган ҳолда мустақил нормалашни амалга ошириш, шунингдек, педагогик ходимлар томонидан илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий-услубий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг бажарилишини рағбатлантириш ҳуқуқи бериш белгиланди.

**Фарҳод АЛИШЕРОВ,** ТАТУнинг “Мултимедиа технологиялари” кафедраси ўқитувчиси:

*— АҚШ ва Европа мамлакатларининг олий ўқув юртларида кенг тарқалган кредит таълим тизими ўзининг мослашувчанлиги ва самарадорлигини кўрсатяпти. Мазкур тизим битирувчиларнинг академик ҳаракатчанлигини таъминлаб, бугунги ўзгарувчан меҳнат бозорида уларга бўлган талабни оширмоқда. Бунда меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда таълим дастурларининг мослашувчан тузилиши, таълимга ахборот тизимларининг жорий қилиниши ва талабаларнинг мустақил ишлашга ўргатилишининг ўрни катта.*

*Академик таълим тизимида кредит тизимидаги каби ўқув жараёнларини мобиллаштиришнинг имкони йўқ. Кредит тизимида факултетлараро дарслар ўртасида ҳам мобиллик юзага келади. Масалан, қайсидир ўқитувчи фойдали маъруза қилади. Унда нафақат битта курс, балки бошқа факултетлар талабалари ҳам қатнашиш имконига эга бўлади. Қисқача қилиб айтганда, кредит тизимида талабаларнинг мустақил ишлашига ва амалий таълимга катта эътибор қаратилади. Чунки унда электрон топшириқлар кўпроқ берилади.*

*ТАТУнинг ҳам келгуси ўқув йилидан кредит таълим тизимига ўтиши жуда муҳим қарор бўлди.*

### Вазирлик тизимида тўртта бошқарма ташкил этилди

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимида тўртта қуйидаги таркибий бўлинмалар ташкил этилди:

■ Электрон ҳукуматни ривожлантириш бош бошқармаси;

■ Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бош бошқармаси;

■ Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси;

■ Ахборот хавфсизлиги бошқармаси.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари — ахборот-коммуникация технологиялари бўйича маслаҳатчи ҳамда "Хавфсиз шаҳар" комплексини ташкил қилиш лойиҳасини кенг қўламда ва сифатли амалга оширишга масъул Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари лавозимлари бекор қилинди.

Шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ташкилий тузилмаси, Марказий аппарати тузилмаси ва ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди.

Ҳудудий бошқарма бошлиқлари мақоми бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларига тенглаштирилди.

Ҳужжат матни билан www.lex.uz сайтида танишишингиз мумкин.

◀1-бет.

# IPTV

## Телетрансляцияларни ҳар бир абонент ўзи хоҳлаганидек бошқара олади



"Ўзбектелеком" АК етти йил мобайнида "ZTE" компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимизда IPTV хизматларини жорий этиш ишларини амалга оширмоқда. Ушбу хизмат абонентлар орасида анча машҳур бўлиб, унга талаб кундан-кун ортиб бораётгани кузатилмоқда. Бугунги кунда "Ўзбектелеком" АКнинг IPTV хизматларига 50 мингдан ортиқ киши уланган.

Матбуот анжумани иштирокчиларига "Ўзбектелеком" АК тақдим этаётган замонавий IPTVнинг барча имконият ва хизматлари намойиш этилди.

Ушбу технологиянинг афзалликлари қаторида интерфаоллик ва фойдаланувчиларга кенг кўламли қўшимча хизматлар тақдим этишнинг имкониятларига алоҳида урғу берилди. Телевизион дастур ва фильмларни индивидуал равишда танлаш тизими шулар жумласидандир.

Шунингдек, филм ёки телекўрсатувни исталган вақт каталогдан буюртма қилиш мумкин, бунда орқага қайтариш, тўхтатиб туриш каби функциялардан фойдаланилади. IPTVнинг яна бир афзаллиги "кўрсатувни узатиш вақтини орқага суриш" хизмати ҳисобланади. Тизимдаги теледастурлар орқали етти кун аввалги кўрсатув ва филмларни қайтадан кўриш имкони мавжуд.

Телеканалларни томоша қилиш асносида фойдаланувчи ўзига ёққан теледастурни тўхтатиб, ўзига қулай вақтда уни охиригача кўриб олиши мумкин. Бундан ташқари, технология бир вақтнинг ўзида бир неча овоз йўлакчаларида узатилаётган каналларнинг трансляция тилини ўзгартириш имконини беради.

Тадбирда мутахассислар ОАВ вакилларининг саволларига батафсил жавоб беришди. Жумладан, "Ўзбектелеком" АКнинг маркетинг ва савдо бўйича директори Евгений Вишневский *(суратда)* бу саволларга жавоб қайтарар экан, компания ҳозирда Россия бозорининг етакчиси бўлган "Ivi" ва бошқа хорижий компаниялар билан музокаралар олиб бораётгани, яқин бир неча ой ичида IPTV бўйича ижтимоий тарифларнинининг ишга туширилиши, ҳудудларда интернетга уланиш ва IPTV хизматларининг жорий этилишини маълум қилди.

## САЙЁР ҚАБУЛ

### ВАЗИРЛИК ВАКИЛЛАРИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ҲОЛАТНИ ЎРГАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ш.Мелибоев, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ж.Пўлатовлар томонидан, "Ўзбектелеком" АК, вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ва тизимдаги корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда мобил алоқа операторлари масъуллари иштирокида, 21 феврал куни Нукус шаҳрида сайёр қабул куни ўтказилди.

Вазирлик масъуллари аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли ва тадбиркорларга замонавий телекоммуникация хизматларини кўрсатишни кенгайтириш, "Электрон ҳукумат" тизимини янада ривожлантиришнинг устувор аҳамияти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва режалар тўғрисида ахборот беришди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг айрим мурожаатлари жойида кўриб чиқилди. Қолган мурожаатлар эса ўрнатилган тартибда кўриб чиқилиб, жавоб хатлари тақдим этилади.

**З.РАДЖАПОВ,**
**Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлинмаси бошлиғи**

## Маърифат дарси

### ИНТИЗОМ УСТУВОРЛИГИ

Одатда меҳнат интизомининг бузилиши оғир оқибатларга сабаб бўладиган айрим иш турларида интизом уставлари мавжуд. Ушбу ҳужжатларда ходимларнинг асосий бурчлари баробарида уларни рағбатлантириш, шунингдек, интизомий жазо чоралари ҳам белгилаб берилган.

Республика ички ишлар органларида ҳам хизмат интизоми ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида жамоатчилик таъсиридан самарали фойдаланишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тизимда ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи Интизомий кенгашлар ташкил қилиниши ва улар фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган.

Давлат фелдъегерлик хизматида бўлиб ўтган маърифат дарсида Интизомий кенгашлар фаолияти ҳақида сўз борди. Шахсий таркибга ички ишлар органлари Интизом кенгаши нимага тузилади, уларнинг вазифалари ҳақида тушунтириш берилди. ДФХ шахсий таркибидан ўз вазифаларини сидқидилдан бажариш ва тартиб-интизомга амал қилиш сўралди.

**А.АЗИЗОВ,**
**ДФХ катта инспектори подполковник**

## ДАВРА СУҲБАТИ

# ЁШЛАР ЯНАДА ФАОЛ БЎЛИШЛАРИ КЕРАК

> **Энг катта маош олувчи касблар ўртасида АКТ соҳаси бугунги кунда дунё бўйича 8-ўринни эгаллайди.**

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси, вазирлик тизимидаги вилоят корхона ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили давлат дастури" доирасида ташкил этилган ушбу давра суҳбатида талаба ёшлар ва соҳа корхоналари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида сўз борди.

— Ушбу учрашувимиз нечоғлиқ долзарб эканлигини замоннинг ўзи кўрсатиб бермоқда, — деди учрашувни очар экан ҳудудий бошқарма бошлиғи Нодир Эшназаров. — Чунки ижтимоий-иқтисодийислоҳотларни амалга оширишда ахборот технологиялари таълим муассасаларида олинаётган билимнинг ўрни беқиёсдир.

Ўтган йилнинг октябр ойида Ўзбекистонда иш берувчиларнинг эълонлари асосида ўтказилган мониторинг натижасида вакант ўринлардаги энг катта ойликлар ахборот технологиялари мутахассисларига тўғри келаётгани аниқланди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Биргина Самарқанд вилоятини оладиган бўлсак, "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз туризм", "Ақлли ҳокимият", "112 оператив хизмати" йўналишлари бўйича ҳам самарали ишлар амалга оширила бошланди. Вилоятда дастурчилар учун ҳар томонлама қулай "Коворкинг" марказини ташкил этиш бўйича режалар олиниб, марказ йил якунигача ишга тушади. Албатта, бу вазифаларни амалга ошириш учун АТ ва телекоммуникация йўналишида таҳсил олаётган йигит ва қизларнинг билим ва кўникмалари керак. Ушбу ишларни ривожлантиришда тизим корхона раҳбарлари ёшларни ҳамкорликка таклиф этдилар.

Бугунги кунда вилоятдаги соҳа корхоналарида 2000 нафарга яқин ходим фаолият юритади. Улар ТАТУ Самарқанд филиали билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Жумладан, филиал лаборатория хоналари учун MSAN, SGM русумли станция қурилмалари, рақамли телеузатгич, мобил алоқа қурилмалари, турли кабел намуналари тақдим этилди. Тўртта соҳа корхонасида кафедралар филиаллари ташкил этилган.

Учрашувда "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали директори М.Алиев, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Самарқанд филиали директори Ш.Умаров, вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Ш.Аҳмедова, Радиотелевизион узатиш маркази директори Ф.Розиқовлар талабаларга корхона ва ташкилотлар фаолияти, мақсади, яқин йиллардаги лойиҳалари, бўш иш ўринлари ва ишга кириш талаблари тўғрисида батафсил маълумот бердилар. Ўз навбатида, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоблар олишди. Айрим талабалар эса ўз таклифлари ва инновацион ғоялари билан ўртоқлашдилар.

**Абдуғафур ҲОТАМОВ,**
**"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири**


Бухоронинг бутун тарихий қисми бепул Wi-Fi тармоғи билан қопланади.

# Beeline – ҲАЁТНИНГ ЁРҚИН ТАРАФИДА БЎЛ!



## Нуфузли компаниянинг хизмати шиорига мосми?

Соҳада амалга оширилган ислоҳотлар, изчил дастурлар натижаси ўлароқ бундан 20-25 йиллар муқаддам кўпчилик учун янгилик ва орзу бўлган мобил алоқа хизмати шундоқ қўл узатса етгулик масофага келди. У вақтдаги ва бугунги хизмат нархлари орасида ҳам осмон билан ерча фарқ бор. Буни албатта, давлатимиз томонидан хорижий инвесторларга берилган имтиёзлар, соҳага оид қонунчиликнинг такомиллашгани, мобил алоқанинг ҳаётий заруратга айланганини билан изоҳласа бўлади.

Аҳолида танлов имкони бор, ўзи хоҳлаган компаниясига уланиб, мобил алоқадан фойдаланади. Абонентга тўловлар, хизматларни бошқариш каби кўплаб операцияларни мустақил бажариш имконияти яратилган. 32 миллиондан ошиқ аҳоли учун 5та мобил оператор хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мақоламизда компанияларнинг алоҳида хусусиятлари эмас, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлардаги айрим номутаносибликлар ҳақида тўхталамиз.

UNITEL ва Beeline номлари Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига таниш десак, муболаға бўлмас. UNITEL мобил хизматларни ривожлантириш борасида катта тажрибага эга, таъбир жоиз бўлса, отахон компаниялардан бири.

Компания 1996 йилда ташкил этилган. Унинг тижорат фаолияти 1997 йил 25 сентябр куни бошланган. Ҳозирги кунда компания Ўзбекистоннинг алоқа операторлари қаторида етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. 2017 йил натижалари бўйича компания абонентларининг сони 9 730 149 кишини ташкил қилган.

Салкам ўн миллионга яқин абонент компания учун аввало мижозлар ишончи, қолаверса, даромад дегани. Бироқ бугун шу абонентларнинг барчаси компаниядан розими?

Компаниянинг стратегик ривожлантириш дастурлари бугунги кун талабларига жавоб беряптими? Компания учун мижоз талаби қанчалик аҳамиятга эга?

Афсуски, бу саволларга жавоб излаганда бир қанча аччиқ хулосалар келиб чиқмоқда.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг таҳлилига кўра, сўнгги вақтларда UNITEL МЧЖ кўрсатаётган мобил алоқа хизматларида кўплаб камчиликларга йўл қўймоқда.

Мобил алоқа абонентларидан келиб тушган мурожаатларнинг мониторинги ва таҳлили натижасида бошқа операторларга нисбатан айнан UNITELнинг сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада ёмонлашгани аниқланди.

Хусусан, фуқаролар томонидан компания хизматлари сифат кўрсаткичлари ёмонлашуви бўйича 2016 йилда 224та шикоят келиб тушган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 863тани ташкил этган, мурожаатлар 385 фоизга ошган.

Қабул қилинган мурожаатларнинг 58,8 фоизи мобил алоқа қамрови ва алоқадаги тўхташларга, 23,8 фоизи тариф режалари ва тўловларини ўзаро ҳисоб-китоб қилишдаги хатоликларга, 9,3 фоизи мижозларга хизмат кўрсатиш ва 6,2 фоизи аҳолининг базавий станцияларнинг ишлашига норозилигига тўғри келади.

Бу мурожаатлар ва фоизлардан компаниянинг истеъмолчилар ҳуқуқларига ва зиммасига олган қонуний мажбуриятларга бўлган муносабатини англаш қийин эмас.

Айтиш ўринлики, фуқароларнинг UNITEL МЧЖ мобил алоқа сифати ёмонлигига оид шикоятлари улуши республикадаги жами мобил алоқа операторлари кўрсаткичига нисбатан 45 фоизни ташкил этади.

Яна бир маълумот, 2017 йилда пойтахтдаги абонентларининг ҳам ушбу операторга нисбатан асосли шикоятлари сезиларли даражада ўсган.

2017 йилнинг 6 декабридан 21 декабргача бўлган муддатда Тошкент шаҳри кўчалари бўйича ўтказилган бенчмаркинг тест натижаларига кўра барча мобил алоқа операторларининг қамров сифати бўйича энг ёмон кўрсаткич Unitel тармоғида қайд этилди.

***Қонунга зид ҳаракатлар эса ҳеч кимни жавобгарликдан озод қилмайди.***

Ажабланарли ҳолат, шундайми? Пойтахтда вазият бундай бўлса, компаниянинг бошқа ҳудудларидаги мобил алоқа хизмати қандай аҳволда?

Саволларга фактлар асосида жавоб топамиз. Маълумот учун, республикамиздаги мавжуд аҳоли масканларини компания фақатгина 18,1 фоиз 3G қамрови билан таъминлаган, 68 фоиз аҳоли маскани 2G қамровида қолиб кетган.

Мазкур рақамларнинг ўзидан ҳам компаниянинг аҳолиси кам бўлган ҳудудларга етарли даражада эътибор бермаётганлигини тушуниш қийин эмас. Демак, оператор ўз тармоғини назорат қилмайди.

Назоратсизлик, лоқайдлик ҳеч кимга яхшилик келтирмаслиги аниқ.

Қизиғи, одамларни ҳаётнинг ёрқин тарафида бўлишга ундаётган компания ўз абонентларини маълум муддатга алоқасиз қолдиришгача бориб етмоқда.

Хусусан, Unitel 2016 йил 23 январда бутун Фарғона вилоятини (соат 13:58 дан 17:01 гача) 3 соат 3 дақиқага, 2017 йил 7 июлда бутун Хоразм вилоятини (соат 11:00 дан 12:25 гача) 1 соат 25 дақиқага алоқасиз қолдирди.

Компания томонидан база станциялари захира электр таъминоти билан тўлиқ таъминланмаганлиги сабабли 2017 йилда 2016 йилга нисбатан алоқадаги тўхташлар сони сезиларли ошган.

Ҳуқуқий жиҳатдан олганда аҳолини мобил алоқасиз қолдириш Ўзбекистон Республикасининг бир қанча қонунлари талабларининг бузилишига олиб келади.

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ. Ҳазрат Навоий томонидан айтилган бу сўзларни мобил компаниялари орасида кузатилаётган кескин рақобатга нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Рақобатнинг шуниси яхши, доимий изланишга, интилишга ундайди.

Бугунги замон тили билан айтганда, новаторлик ва инновация билан бирга инсонларнинг розилигини олиш — муваффақият дегани.

Шу маънода UNITEL томонидан ўз абонентларининг мурожаатларига бепарво муносабатда бўлинаётгани кишини ўйлантирмай қолмайди.

Маълумотларга кўра, компаниянинг Call Centeгига ҳар ойда деярли 800 000дан ортиқ қўнғироқлар амалга оширилади, бироқ уларнинг ўртача 45 мингга яқини операторлар томонидан қабул қилинмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

2017 йил якунларига кўра, инспекция томонидан компанияга аниқланган камчиликлар, алоқадаги узилишлар ҳамда мобил алоқа хизматлари сифатининг ёмонлашгани юзасидан 14та кўрсатма берилиб, камчиликларни бартараф этиш ва мобил алоқа хизматлари сифатини қонун талаблари даражасига етказиш сўралган.

Шунингдек, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лицензия келишувлари талаблари бузилганлиги учун компаниянинг 5 нафар масъул раҳбарларига маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилган.

Юқорида кўрсатилган ҳаққоний рақам ва фактлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, компания йўл қўйилган кўпол хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга иккинчи даражали вазифа сифатида қарамоқда.

Ташвишланарлиси, компания ижтимоий тармоқларда истеъмолчилар томонидан билдирилаётган ҳақли эътирозлар, турли идоралар томонидан берилаётган кўрсатмаларга панжа ортидан қарашда давом этмоқда.

Қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, лицензия талаблари бузилишининг тизимли характер касб этаётгани, аввало, компаниянинг обрў ва нуфузига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Қолаверса, бу каби ҳолатлар истеъмолчилар манфаатларига ҳам зиддир.

Қонунга зид ҳаракатлар эса ҳеч кимни жавобгарликдан озод қилмайди.

Хулоса ўрнида, Beelineни яна бир маротаба ҳаётнинг ёрқин тарафида бўлишга чақирамиз ва ундаймиз.

**К.АВУЛОВ,**
**Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение бўлими бошлиғи**

# ИННОВАЦИОННОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ

## по улучшению зоны охвата высокоскоростным мобильным интернетом железных дорог Республики Узбекистан

***Принимая во внимание, что 2018 год в Узбекистане был объявлен «Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» целесообразным было бы рассмотреть инновационное предложение по созданию сети LTE-Railway (LTE-R) на железных дорогах Республики Узбекистан.***




***«На данный момент в системе АК «Ўзбекистон темир йўллари» на железнодорожных поездах для организации связи используется морально устаревшее аналоговое оборудование радиосвязи, значительно уступающее по своим характеристикам и возможностям технологии LTE-R.»***

На данный момент высокоскоростные пассажирские поезда «Афросиёб» курсируют по маршрутам Ташкент-Самарканд, Ташкент-Карши, Ташкент-Бухара. А в 2018 году будет налажено движение высокоскоростного поезда «Афросиёб» по маршруту Ташкент-Хива. Известно, что на данный момент операторы сотовой связи на территории нашей страны оказывают услуги мобильного интернета с использованием технологий WCDMA/UMTS(3G) и LTE(4G), зона охвата базовых станций с высокой скоростью подключения к интернету составляет для базовых станций 3G около 1,5-2 км, а для базовых станций 4G около 1 км (расстояние может меняться в зависимости от рельефа местности, ситуационного расположения зданий и сооружений).

Для обеспечения зоны покрытия высокоскоростным мобильным интернетом всей территории республики потребуются значительные средства сотовых операторов. И эти расходы будут увеличены в пятикратном размере (пять сотовых операторов), т.к. от каждого оператора требуется обеспечить зону покрытия собственной сети в отдалённых населённых пунктах, в том числе вдоль железных дорог.










В населённых пунктах через которые проходят железные дороги операторы поэтапно устанавливат базовые станции 3G и 4G, сложнее всего обстоят дела с открытыми обширными территориями, где нет населённых пунктов, но проходит железная дорога. В такой пустынной (степной) местности нет технической возможности установить базовую станцию сотовой связи, а сроки окупаемости базовой станции в такой местности определить очень трудно. Сотовые операторы, прежде всего, действуют из соображения экономической выгоды, а на заранее убыточные проекты инвестировать свой капитал не торопятся. В этой ситуации, по моему мнению, целесообразней было бы создать сеть LTE-R на железных дорогах Республики Узбекистан с помощью сил и средств Национального оператора «УзМобайл», а также привлечения средств зарубежных государств (инвесторов). Принимая во внимание, что технология LTE-R может быть использована не только для предоставления услуг высокоскоростного интернета для пассажиров, но и для собственных нужд АК «Ўзбекистон темир йўллари» (обеспечение безопасности, передачи служебной информации и др.), можно будет привлечь средства АК «Ўзбекистон темир йўллари» для успешной реализации проекта по развитию технологии LTE-R на железных дорогах Республики Узбекистан.

LTE-R — это стандарт LTE, специально заточенный под использование на линиях железнодорожного сообщения. Данные, передаваемые при помощи LTE-R, разделяются на три потока — пользовательский, служебный и диспетчерский. Одной из особенностей сети LTE-R является приоритет служебных и диспетчерских данных — ширина всех каналов регулируется динамически, однако в случае возникновения нештатных ситуаций сеть сужает поток, выделенный для пользователей, для того, чтобы лучше передавать данные разнообразных систем безопасности, например, камер видеонаблюдения. Она обеспечивает быструю, надежную связь и сигнализацию, преодолевая проблемы с использованием сети LTE-R на высоких скоростях.

Необходимо отметить, что технология мобильной связи LTE имеет две разновидности: 1) для неподвижных или движущихся с малыми скоростями абонентов (пешеходов, людей в городском транспорте) и 2) для абонентов, движущихся с большими скоростями, например, в поездах железных дорог или метрополитенов (для этих случаев предназначается специализированная версия стандарта LTE – LTE-Railway (LTE-R). Имеющиеся сотовые компании в нашей стране, предоставляющие услуги мобильного интернета по технологиям 3G и 4G технологически не смогут обеспечить качественную, непрерывную и бесперебойную высокую скорость подключения к интернету на высоких скоростях движения пассажирского поезда «Афросиёб». Если учесть, что высокоскоростной пассажирский поезд «Афросиёб» двигается со скоростью до 250 км/ч, то развёртывание технологии LTE-R на железных дорогах Республики Узбекистан — это требование времени.

Необходимо отметить, что внедрение технологии LTE-R имеет нижеследующие технические особенности и положительные стороны:

- Секторные антенны, а также компактное оборудование базовых станций сети LTE-R устанавливается на существующих опорах вдоль железных дорог. В результате будут сэкономлены значительные денежные средства, т.к. строительство отдельных АМС (антенно-мачтовых сооружений) не требуется. Секторные антенны устанавливаются параллельно по направлению железнодорожного полотна с углом в 180$^0$ по отношению друг к другу;
- При создании сети LTE-R вдоль железных дорог будет обеспечена гарантированная связь с базовыми станциями и не будет зона «радиотени» на всём участке движения пассажирского состава;
- Благодаря использованию технологии LTE-R пассажиры высокоскоростных поездов получат возможность бесперебойного просмотра и отправки видео в высоком качестве и совершения видеозвонков;
- Пассажирам поездов будет представлена возможность использования высокоскоростного интернета на мобильных устройствах с поддержкой технологий 4G(LTE) конкретного оператора (владельца сети LTE-R) или же через Wi-Fi сети созданные в пассажирских вагонах. Расходы по предоставлению услуг интернет можно будет включить в стоимость билета;
- Нет необходимости проводить отдельное электропитание для каждой базовой станции с удалённых трансформаторных подстанций, т.к. высокоскоростной поезд «Афросиёб» едет по имеющемуся электрифицированному участку железной дороги.

На данный момент в системе АК «Ўзбекистон темир йўллари» на железнодорожных поездах для организации связи используется морально устаревшее аналоговое оборудование радиосвязи, значительно уступающее по своим характеристикам и возможностям технологии LTE-R.

Внедрение LTE-R на железных дорогах Республики Узбекистан будет способствовать повышению безопасности на железнодорожном транспорте, улучшению оперативности при возникновении чрезвычайных ситуаций, а также ведению постоянного мониторинга в режиме онлайн за техническим состоянием всех компонентов и узлов железнодорожного транспорта.

В 2017 году компания Samsung Electronics запустила в метрополитене Пусана, второго по величине города Южной Кореи, высокоскоростную сеть обмена данными LTE-Railway (LTE-R). К 2025 году сеть LTE-R покроет все метрополитены и железные дороги Южной Кореи общей длиной более 5600 км.

На данный момент Южная Корея является стратегическим партнёром Республики Узбекистан и взаимодействие двух стран охватывают почти все сферы экономики, от сферы телекоммуникаций до сферы образования. В этой связи, считаю, что наши корейские партнёры будут рады поделиться своим опытом по развитию технологии LTE-R на железных дорогах Республики Узбекистан.

**Ж.РАИМДЖАНОВ,**
**инженер 1-категории Службы электромагнитной совместимости Сырдарьинской области**



В Узбекистане разработают программу развития электронной коммерции.

# ИНТЕРНЕТДА ЎТИРИБ ПУЛ ТОПИШ сароб десангиз адашасиз

Шоҳрух РАҲМАТ,
Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази департаменти бошлиғи



Ўзбекистонда интернетга улаш хизматини кўрсатиш бўйича рақобатбардош муҳит мавжуд эмаслиги ҳамда шимолий, яъни Қозоғистон-Россия интернет-каналига боғлиқ бўлган вазият юзага келганлиги сабаб интернетга уланиш бошқа МДҲ давлатлариникига нисбатан анча секин ва қиммат ҳисобланади. Бу муаммони Ўзбекистон янги ташқи каналлар очиш эвазига ҳал қилмоқчи: Туркманистон, Эрон, Қирғизистон ва Хитой орқали интернетга уланиш тезлиги оширилади ва барқарор ишлаши таъминланади. Шу йилнинг охиригача ушбу давлатларнинг миллий операторлари билан каналларни ижарага олиш ва сотиб олиш тўғрисидаги келишувлар имзоланади.

Дарвоқе, бу шимолий каналдан воз кечилади дейилгани эмас, шунчаки аҳолининг эҳтиёжларини қоплайдиган янги қўшимча каналлар пайдо бўлади.

Юқоридагилар яқин келажакда амалга ошадиган режалар. Хўш, ҳозир-чи, миллий интернет маконимизда ишлаш даражаси қай аҳволда?! Ундаги ресурслардан оқилона ва унумли фойдалана оляпмизми? Интернетдан фойдаланиш маданияти онгимизда нечоғлиқ шаклланиб улгурган? Интернет деб аталмиш бу “билимлар уммони”да қандай улкан имкониятлар мавжудлигидан ўзимиз ва болаларимизнинг қанчалик хабари бор?

**Интернетга бузғунчи ва ёт ғояларни тарғиб қилувчи ҳамда жиноят оламига етакловчи “бало”га қарагандай, болаларимизга интернетга киришга тақиқ қўявермасдан, аввал биз ота-оналар ундаги фойдали ва зарарли томонларни фарқлашни, ажрата олишни ўрганишимиз зарур ва муҳим.**

> **Дўстларингиз қанча кўп, профилингиз қанчалик фаол бўлса, буюртмачилар шунчалик кўп пул тўлашга тайёрдирлар**

## Интернет бу — пул

Қандай қилиб бизнес очиш, пул топиш мумкин — интернет шунга ўхшаш кўплаб фойдали ресурсларга тўлиб-тошиб ётибди. Бир сўз билан айтганда, интернет пул топишнинг бепоён имкониятлари манбаидир. Агар шуларнинг ҳаммасини ётиғи билан фарзандларимизга тушунтириб бера олсак, интернет ресурсларидан тўғри фойдаланиб, ўз кучи билан даромад топа олишини уларнинг онгига сингдириб борсак, болаларимизнинг ўзларида вақтини бекор ўтказмасдан, оила бюджетига ҳисса қўшиш истаги пайдо бўлади ва шу йўлда излана бошлайдилар.

**Маълумот учун:** *“Ўзбектелеком” АК томонидан 2017 йили махсус тариф режалари, “Хавфсиз интернет” туркуми ва қўшимча хизматлар жорий қилинган.*

*Энди компаниянинг интернет фойдаланувчилари “ZiyoNET” тариф режаси хизматларига уланиб, фарзандларига ҳозирча 3 мингга яқин сайтни ўз ичига олган Ягона ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини беришади. Мазкур рўйхатдан илмий-таълимий, маънавий-маърифий ва боланинг етук ва соғлом бўлиб вояга етишига хизмат қиладиган бошқа миллий ва халқаро интернет саҳифалари ўрин олган. Бу орқали болалар глобал тармоқдаги хавфлардан, турли бузғунчи ва ғоявий нобоп сайтларга киришдан ҳимояланади. Шунингдек, ота-оналар рўйхатга ўзлари маъқул топган, болалар учун қизиқарли сайтларни киритиш бўйича таклиф ҳам беришлари мумкин.*

Энди эса нафақат ёшларни, балки катталарни ҳам қизиқтириб қўйиши мумкин бўлган, тайёр даромад манбаи саналган айрим интернет ресурслари йўналишларига эътиборингизни тортамиз.

## Онлайн сўровлар

Ҳозирда интернет маконида кўп учрайдиган “онлайн сўровлар” талабалар бўш вақтида пул ишлашлари учун кундан-кунга танилиб бораётган усул ҳисобланади. Турли тадқиқотларни ўтказаётган компаниялар ҳар доим ҳар хил сўровларга жавоб бериш ва янгидан-янги маҳсулотларни синовдан ўтказиш учун янги аъзоларни қабул қилиб боради.

## Интернетда пуллик қидирув

Интернетда бажараётган ишингиз учун олдиндан пул олишдан манфаатдормисиз? Qmee.com инновацион ғояси сизни Google, Bing ёки Yahoo қидириш ресурсларидан фойдаланганингиз учун мукофотлайди. Сиз шунчаки ўз браузерингизга оддий қўшимча қурилмани ўрнатасиз ва қидирувни амалга ошираётганингизда оддий қидирув қаторида бир нечта ҳомийлик қилинадиган натижалар ҳам бўлиши мумкин. Qmeeдаги ҳар бир натижа пуллик мукофотга эга, агар у сизни қизиқтириб қолган бўлса, тугмани босинг ва мукофотингизни қўлга киритинг.

## Ўз сайтингизни очинг ва ундан фойда олинг

Ушбу вариант сиздан дастлабки қўйилмаларни талаб этади, бироқ кўп ўтмай ўзини оқлай бошлайди. Сайт иши яхши йўлга қўйилса ундан ҳар ойда 10 минг доллар миқдорида фойда олиш мумкин. Асосий фойдани реклама (контекстли, баннерли, тизерли) олиб келади, бунда шерикли дастурларда иштирок этиш ёки ҳаволаларни сотиш мумкин бўлади. Агар сиз янада илдамлаб кетмоқчи, нафақат сайтни ривожлантириш, балки ўз инфобизнесингизни қурмоқчи бўлсангиз, у ҳолда фойда янаям кўп бўлади. Бу энг фойдали вариант, шундай экан “Интернетда пул ишлаб топиш ҳақиқатми?” деб сўраманг, чунки сайтлар эгаларининг баралла жавоби “Ҳа” бўлиб турибди.

Хўш, ахборот сайти ва инфобизнес орасида қандай фарқ бор? Дастлаб фойдали ахбороти бўлган контентли сайт ҳам ахборот эвазига пул ишлайдигандек туюлади. Бироқ биринчи ҳолатда пул ташқаридан (реклама, шерикли дастурлар) кириб келади, инфобизнесда эса сиз муайян бир ахборот маҳсулотини сотасиз ва унинг учун мижозларингиздан пул оласиз. Қуйидагилар ахборот маҳсулотлари бўлиши мумкин:

- Вебинарлар
- Тренинглар
- Онлайн ўқув курслари
- Электрон китоблар.

Ушбу пул ишлаш усулининг хусусияти шундаки, сиз маҳсулотни бир марта яратасиз, ундан фойдани эса доимий равишда олиб турасиз. Шунчаки пассив даромад тури. Шу билан бирга, параллел равишда янгидан-янги маҳсулотлар яратиш, янги йўналишларда ривожланиб, каттадан-катта даромадлар топиш мумкин бўлади. Бундай ҳолатда даромад бир неча мартага кўпаяди.

## Веб-сайтлар ва веб-иловаларни нақд пул эвазига кўриб чиқиш

Агар сиз веб-браузерингиздан моҳирона фойдалана олсангиз, унда веб-сайтларни кўриб чиқиш вақтингизни тўловли ва қизиқарли ишга айлантириш вақти келди. UserTesting.com каби янги платформалар хоҳловчиларга барча турдаги веб-сайтларни кўриб чиқишлари учун пул тўлайди. Ҳар бир кўриб чиқиш учун 20 дақиқа вақт сарфланади ва $10 пул тўланади. Рўйхатдан ўтиб, кўриб чиқиш тестини тўлдиринг ва “кириш” папкангизда кўриб чиқилиши зарур бўлган веб-сайтлар рўйхатини қабул қилиб олинг.

## Ижтимоий тармоқлар билан ишлаш

Бундай ишни фриланс биржаларида ҳам топса бўлади, бу иш алоҳида кўникмаларни талаб қилмайди. Одатда бу иш лайк қўйиш, репост қилиш ёки гуруҳга қўшилиш кабиларни ўз ичига олади. Тўғри, одатда минимал даражада ҳақ тўланади, бироқ барчаси сизнинг аккаунтингизга боғлиқ. Дўстларингиз қанча кўп, профилингиз қанчалик фаол бўлса, буюртмачилар шунчалик кўп пул тўлашга тайёрдирлар. Қиймати каттароқ ишлар турига гуруҳлар бўйича постинг қилиш, каталоглар бўйича маълумотларни тақсимлаш кабилар киради. Бундай ишларни Advego, Socialtools, Smmka ва Forumoкда топиш мумкин. Ушбу тармоқларда фаол ишласангиз бир ойда $100га яқин маблағ ишлашингиз мумкин.

Кўрсатиб ўтилган имкониятлар — хамир учидан патир, холос. Бундай ресурслар жуда кўп. Ёшларимиз интернет имкониятларидан, ўз вақтларидан унумли фойдаланишса, ана ўшанда юртимиз янада равнақ топади.

## 2018 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛ — 4 МАРТ КУНЛАРИ УЧУН

ТВ-дастурлар «UNIVERSAL-PRESS-MEDIA» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

# Xabar+tv

## ДУШАНБА — 26 ФЕВРАЛ

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро".
08.00 Новости.
08.15 "Контрольная закупка".
08.50 "Жить здорово!"
09.55 "Модный приговор".
11.00 Новости (с субтитрами)
11.15 "Время покажет".
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское".
16.00 "Время покажет".
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.25 "Время покажет".
17.50 "На самом деле".
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.35 Премьера. "Вольная грамота". Многосерийный фильм. 7-8 серии.
22.40 "Вечерний Ургант".
23.15 Петр Федоров в многосерийном фильме "Город". 1-2 серии.
01.15 "Время покажет".
02.00 Новости.
02.05 "Время покажет".

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Кровавая барыня"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня
07.00 Деловое утро НТВ
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 Обзор ЧП
14.00, 16.30, 01.20 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Куба"
21.35 Т/с "По ту сторону смерти"
23.40 Итоги дня
00.10 Поздняков
00.20 Т/с "Плата по счётчику"
03.15 Поедем, поедим!
04.00 Т/с "Час Волкова"

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 13.00, 15.05, 17.50, 20.35, 23.00, 00.35 Новости
09.05, 15.15, 17.55, 20.40, 23.05, 02.40 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00, 13.05 XXIII Зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
15.45 С/р "Профессор спринта".
16.15, 05.45 Смешанные единоборства. Russian Cagefighting Championship 1. Денис Гольцов против Атанаса Джамбазова. Сергей Харитонов против Джоуи Бельтрана. Трансляция из Екатеринбурга
18.35 Футбол. Чемпионат Италии. "Рома" - "Милан"
21.10 Футбол. Чемпионат Испании. "Севилья" - "Атлетико"
23.35 Д/ф "Игры под Олимпийским флагом".
00.40 Футбол. Чемпионат Италии. "Кальяри" - "Наполи". Прямая трансляция
03.15 Х/ф "Сила воли".
07.20 Д/ф "Я - Дэйл Эрнхардт".

**КИНОХИТ**

02.30 "99 франков"
04.30 "Спасатель"
06.45 "Укрытие"
08.40 "22 пули. Бессмертный"
10.30 "Город грехов"
12.25 "Покорители волн"
14.20 "Арн - рыцарь тамплиер"
16.30 "Чтец"
18.25 "Английский пациент"
21.00 "Повелитель бури"
23.00 "Боец"
00.55 "Железный человек"

**ТВ3**

06.00, 05.45 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Люцифер"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00 Т/с "Измены"
23.50 Х/ф "Академия вампиров"
01.45 Х/ф "Комната страха"

## СЕШАНБА — 27 ФЕВРАЛ

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро".
08.00 Новости.
08.15 "Контрольная закупка".
08.50 "Жить здорово!"
09.55 "Модный приговор".
11.00 Новости
11.15 "Время покажет".
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское".
16.00 "Время покажет".
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.25 "Время покажет".
17.50 "На самом деле".
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.35 Премьера. "Вольная грамота". Многосерийный фильм. 9-10 серии.
22.40 "Вечерний Ургант".
23.15 Петр Федоров в многосерийном фильме "Город". 3-4 серии.
01.25 "Время покажет".
02.00 Новости.
02.05 "Время покажет".
02.55 "Модный приговор".

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Кровавая барыня"
23.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня
07.00 Деловое утро НТВ
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 Обзор ЧП
14.00, 16.30, 01.05 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Куба"
21.35 Т/с "По ту сторону смерти"
23.40 Итоги дня
00.10 Т/с "Плата по счётчику"
03.00 Квартирный вопрос

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 15.25, 18.30 Новости
09.05, 15.30, 18.40, 01.55 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00 XXIII Зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
12.55 С/р "Профессор спринта".
13.25 Футбол. Олимп - Кубок России по футболу сезона 2017-2018. 1/4 финала. "СКА-Хабаровск" - "Шинник" (Ярославль). Прямая трансляция
16.30 Смешанные единоборства. Fight Nights. Магомедсайгид Алибеков против Ахмеда Алиева. Марина Мохнаткина против Лианы Джоджуа. Трансляция из Москвы
18.00 Д/ц "Тренеры. Live".
19.25 Футбол. Олимп - Кубок России по футболу сезона 2017-2018. 1/4 финала. "Амкар" (Пермь) - "Авангард" (Курск). Прямая трансляция
21.25 Хоккей. КХЛ. "Йокерит" (Хельсинки) - СКА (Санкт-Петербург). Прямая трансляция
23.55 Футбол. Чемпионат Испании. "Эспаньол" - "Реал" (Мадрид). Прямая трансляция
02.25 Волейбол. Лига чемпионов. Женщины. "Динамо-Казань" (Россия) - "Марица" (Болгария)

**КИНОХИТ**

02.55 "Честь дракона"
04.20 "Весёлые каникулы"
05.55 "За что мне это...?"
07.35 "Роковая красотка"
09.20 "Мой единственный"
11.00 "Железный человек"
12.55 "Тень"
14.35 "Арн. Объединенное королевство"
16.35 "Голубая бездна"
19.20 "Отчаянный"
21.00 "Миллионер из трущоб"
22.55 "Кто подставил кролика Роджера"

**ТВ3**

06.00 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Люцифер"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00 Т/с "Измены"
00.00 Х/ф "Византия"
02.15, 03.00, 03.45, 04.30, 05.15 Т/с "Гримм"

## ЧОРШАНБА — 28 ФЕВРАЛ

**1**

04.00 Телеканал "Доброе утро".
07.05 Выборы-2018. По окончании - Новости.
08.00 Новости.
08.15 "Контрольная закупка".
08.50 "Жить здорово!"
09.55 "Модный приговор".
11.00 Новости (с субтитрами)
11.15 "Время покажет".
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 "Давай поженимся!"
15.00 "Мужское / Женское".
16.00 "Время покажет".
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.25 "Время покажет".
17.50 "На самом деле".
18.50 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.35 Премьера. "Вольная грамота". Многосерийный фильм. 11-12серии.
22.40 "Вечерний Ургант".
23.15 Пётр Федоров в многосерийном фильме "Город". 5-6 серии.
01.25 "Время покажет".
02.00 Новости.
02.05 "Время покажет".
02.55 "Модный приговор".

**РОССИЯ 1**

05.00, 09.15 "Утро России"
09.00, 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
09.50 "О самом главном"
11.40, 14.40, 17.40, 20.45 Вести. Местное время.
12.00 "Судьба человека с Борисом Корчевниковым"
13.00, 19.00 "60 Минут"
15.00 Т/с "Тайны следствия"
18.00 "Андрей Малахов. Прямой эфир"
21.00 Т/с "Кровавая барыня"
23.15 "Выборы-2018. Дебаты с Владимиром Соловьёвым"
00.15 "Вечер с Владимиром Соловьёвым"
01.50 Т/с "Поцелуйте невесту!"

**НТВ**

05.00, 06.05 Т/с "Супруги"
06.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня
07.00 Деловое утро НТВ
09.00 Т/с "Мухтар. Новый след"
10.25 Т/с "Улицы разбитых фонарей"
13.25 Обзор ЧП
14.00, 16.30, 01.05 "Место встречи"
17.00, 19.40 Т/с "Высокие ставки"
21.35 Т/с "По ту сторону смерти"
23.40 Итоги дня
00.10 Т/с "Плата по счётчику"
03.00 Дачный ответ

**МАТЧ!**

08.30 Д/ц "Заклятые соперники".
09.00, 10.55, 13.30, 16.05, 18.50 Новости
09.05, 13.35, 16.15, 01.25 Все на Матч! Прямой эфир. Аналитика. Интервью. Эксперты
11.00, 14.05 XXIII Зимние Олимпийские игры. Трансляция из Кореи
13.00 Д/ц "Тренеры. Live".
16.45 Смешанные единоборства. UFC. Дональд Серроне против Янси Медейроса. Деррик Льюис против Марчина Тыбуры. Трансляция из США
18.55 Все на футбол!
19.25 Футбол. Олимп - Кубок России по футболу сезона 2017-2018. 1/4 финала. "Крылья Советов" (Самара) - "Спартак" (Москва). Прямая трансляция
21.25 Футбол. Олимп - Кубок России по футболу сезона 2017-2018. 1/4 финала. "Тосно" - "Луч-Энергия" (Владивосток). Прямая трансляция
23.25 Футбол. Чемпионат Испании. "Атлетик" (Бильбао) - "Валенсия". Прямая трансляция
02.00 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Динамо" (Москва, Россия) - "Локомотив" (Россия)
04.00 Волейбол. Лига чемпионов. Мужчины. "Зенит-Казань" (Россия) - "Тулуза" (Франция)
06.00 Футбол. Олимп - Кубок России по футболу сезона 2017-2018. 1/4 финала

**КИНОХИТ**

02.30 "Запределье"
04.40 "22 пули. Бессмертный"
06.35 "Чтец"
08.30 "Покорители волн"
10.20 "Железный человек 2"
12.15 "Спасатель"
14.30 "Английский пациент"
17.00 "Повелитель бури"
19.05 "Боец"
21.00 "Одержимость"
22.40 "Далласский клуб покупателей"
00.30 "Железный человек 3"

**ТВ3**

06.00, 05.45 Мультфильм
09.30, 10.00, 17.35, 18.10 Т/с "Слепая"
10.30, 11.00, 16.00, 16.30, 17.00 Т/с "Гадалка"
11.30, 12.30 "Не ври мне"
13.30, 14.00, 14.30 "Охотники за привидениями"
15.00 "Мистические истории"
18.40, 19.30 Т/с "Люцифер"
20.30, 21.15 Т/с "Кости"
22.00 Т/с "Измены"
00.00 Х/ф "Джон Кью"
02.15, 03.00, 03.45, 04.45 Т/с "Черный список"

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

**КУНИГА 2500 МИЛЛИГРАММ (2,5 ГРАММ), ЯЪНИ УЧДАН БИРГА ТЎЛДИРИЛГАН ЧОЙ ҚОШИҚ МИҚДОРИДАГИ ОШ ТУЗИ ОРГАНИЗМ УЧУН ЕТАРЛИ.**



# ТУЗ: БИР ЙИЛЛИК МЕЪЁР — БИР КИЛОГРАММ

**Биз кун бўйи ўзимиз ўйлаганимиздан ҳам кўп туз истеъмол қиламиз. Чунки у жуда яхши ниқобланган. Хўш, ортиқча тузни қандай фош қилиш мумкин?**

**Биз истеъмол қиладиган айрим маҳсулотлардаги туз миқдори**

100 грамм маҳсулотда

| | |
|---|---|
| Дудланган колбаса | >2500 мг |
| Пишлоқ (пармезан) | 1100 мг |
| “Пакетли” шўрва | > 800 мг |
| Оқ нон | > 150 мг |
| Сут, кефир | 50 мг |
| Исмалоқ | 62 мг |
| Мол гўшти | 55 мг |
| Творог | 41 мг |
| Банан | 31 мг |
| Олма | 26 мг |
| Тухум (1 дона) | 134 мг |
| Картошка (1 дона) | 15 мг |

**АСЛИДА БИЗ ЖУДА КЎП ТУЗ ЕЙМИЗ: ШЎР БОДРИНГ, ТУЗЛАНГАН КАРАМ, ФАСТ-ФУДГА ЎЧ ИНСОНЛАР КУНИГА ҚОШИҚЛАБ ТУЗ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШАДИ!**

### ДАДИЛЛИК УЧУН 120 ГРАММ...

Вазни 60 килограммлик кишининг танасида камида 120 грамм ош тузи бўлади. Бу — организм учун “керакли захира”. Бундан ортиғи зарар... Туз таркибидаги натрий ва хлор организмдаги суюқлик мувозанатини ушлаб туради: хлор ионлари ошқозон ширасида хлорид кислота ҳосил бўлишида қатнашса, натрий ионлари кислота-ишқор балансини таъминлайди. Ҳар иккаласи нерв импулслари узатилишида иштирок этади, уларнинг ёрдамида қон ва тўқималар глюкоза ва аминокислоталар билан таъминланади, улар сабаб ҳужайраичи ферментлари ишлайди.

### ЧУЧУК ҲАЁТ

Туз миқдорининг ошиб кетиши, айниқса, қон босими юқори юрадиганлар учун хавфли. Бундан ташқари, олимларнинг айтишича, “тузга сезувчанлиги юқори” одамлар тоифаси ҳам бор экан. Уларнинг овқати сал шўр бўлдими, бир пасда қон босими кўтарилиб билдириб қўяди.

Юрак етишмовчилигида ҳам организмда туз миқдорининг кўп бўлиши ярамайди. Ортиқча тузни чиқариб ташлашдан буйраклар ҳам қийналади. Шу сабабли ҳам исталган бемор нинг парҳезига қарасангиз албатта тузни камайтириш ёки вақтинча истеъмол қилмай туриш тавсия этилган бўлади.



### СИР ОЧИЛМОҚДА

Айрим кишилар таомга тузни унинг тайёрланиш жараёнида эмас, балки кейин қўшиб ейишни ёқтиришади. Қизиғи, шифокорлар ҳам бу усулни маъқуллашяпти: таъм рецепторлари туз кристалларини тез илғагани боис унинг сарфи оз бўлади.

Аммо, барибир, туздонни дастурхонингиздан “бадарға” қилганингиз билан ҳам туздан буткул қутулдим десангиз — адашасиз. Дастурхон устида турган туздондан овқатингизга тушадиган туз сиз жами истеъмол қиладиган тузнинг атиги 15 фоизи, холос. Маълумотларга қараганда, бизнинг кунлик меъёримиз учун етарли туз миқдорининг 75 фоизи тайёр маҳсулотларда, 10 фоизи хом озиқ-овқатлар таркибида мавжуд.

**Хўш, сиз бугун нималар, тўғрироғи, қанча туз истеъмол қилдингиз? Ҳисоблаб кўринг-чи! Қалай, тузини сал ошириб юбормадингизми?**

## КРОССВОРД



**ЭНИГА:** **1.** Алишер Навоий асари. **4.** Томонлар ўзаро келишувга эришиш ўтказадиган учрашув. **9.** Ҳурмат. **10.** Ёғий. **11.** Испаниядаги басклар шаҳри. **12.** Япон мотоцикли. **13.** Қадаҳ. **16.** Малави валютаси. **18.** Ошхона буюми. **19.** Ҳеч қачон (синоним). **22.** Фолклор жанри. **24.** Пиёз тури. **26.** Англияда XV асрда бўлиб ўтган Қизил ва Оқ ...лар уруши. **29.** Байкалбўйидаги тоғ чўққиси. **30.** Ярим ҳимоячи. **31.** Ҳашам. **32.** Инсон тараққиётида катта бурилиш ясаган ихтиро. **33.** Канада кўли.

**БЎЙИГА:** **1.** Цитрус мева. **2.** ... гимнастика. **3.** Испанияда ўтмишда ёш қизларнинг тарбияси билан шуғулланган кекса аёл. **5.** Манқурт. **6.** Рус масалчиси. **7.** Бошоёқли моллюска. **8.** Доим яшил игнабаргли дарахт тури. **14.** Улкан, муҳташам, ...ли. **15.** Сув буёқ. **16.** Кемирувчи жонивор. **17.** Болари. **20.** Қўзиқорин. **21.** Жанубий Америка кўли. **23.** Ноталар уюшмаси (мусиқа). **25.** Испан пичоғи. **26.** Мева. **27.** Ҳинд ҳукмдори. **28.** Тибетнинг марказий шаҳри.

## БОШҚОТИРМА

### ҲАЙВОНОТ БОҒИГА БОРИНГ

“Ким ишонмаса — ҳайвонот боғига борсин”, — дерди кўпинча шарҳловчи Эдуард Гуфелд.

**Топинг-чи, ҳаммага маълум, аммо мутлақ бўлмаган қайси ҳақиқатни Гуфелд текшириб кўришни тавсия қилган?**

**(Жавоби келгуси сонда.)**

**Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби**

### ЖОСУСНИНГ ТУТИЛИШИ

*Почта кабутарлари (**Изоҳ:** уруш ва очарчилик туфайли кўп жониворлар қатори кабутарларга ҳам қирғин келтирилган).*

# ҲАММАСИ ТАРБИЯГА БОҒЛИҚ...

**Нозима ТОҒАЕВА,**
Навоий шаҳридаги 16-мактаб директори:

— Ҳар кимнинг ўз қараши, ўз қаричи, ўз йўли бор. Одамларнинг турли тоифаси, савияси, билими, дунёқараши ҳар бир нарсага, ҳар бир масалага турлича ёндашишни тақозо этиши табиий. Кимдир ақл тарозисида ўлчаб, барака топса, кимдир ақли етмагани учун осон йўл, деб ёмон йўлга кириб қолиб, обрў топмагани ҳам бор гап. Интернетдан ҳам ақл билан фойдаланиш кони фойда.

Яна бир гап. "Қуш уясида кўрганини қилади" деган мақол бекорга айтилмаган. Болага нимани ўргатсангиз ўшани ўрганади. Шунинг учун ҳам тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак, деган жуда кўҳна ҳикмат бор. Ота-онанинг тарбияси бўладими, ўқитувчининг тарбияси бўладими, энг аввало, бу тарбия тўғри бўлиши керак. Тарбия тўғри бўлса, эгри йўллар ҳам, ёт ғоялар ҳам ҳеч кимнинг йўлига тўғаноқ, қўлига кишан бўлолмайди.

Мактабимизда таълим олаётган 2155 нафар ўқувчи, уларга сабоқ бераётган 178 нафар ўқитувчининг бирортасининг ҳали интернет касрига қолиб, норози бўлганини кўрмадим. Ўқувчиларимиз орасида ёмон хулқи, тарбияси оғирлиги билан ҳисобда турадиган бирорта ҳам ўғил-қизнинг йўқлиги катта ютуғимиз. Интернетдан керакли нарсани олишга одатланганни учун ўқувчиларимизга ҳамманинг ҳаваси келади. Интернет билан ишлаш давр талаби. Ундан фойдаланиш орқали илғор ғояларни ҳаётга татбиқ этишни ўргандим.



ЕТТИДАН ЕТМИШГАЧА

# КОМПЮТЕР ВА ИНТЕРНЕТ САБОҚЛАРИ



## 2-ДАРС. Компютер клавиатурасини ишлатишни ўрганамиз

Компютер клавиатураси ахборотни киритувчи қурилма бўлиб, уни яқин тарихдаги ёзув машинкаларининг авлоди дейиш мумкин. Ёзув машинкасидан фарқи — клавишда терилган сўзлар қоғозда эмас, компютер экранида акс этади. Клавишлар енгил босилади, уларни узоқ вақт босиб туриш керак эмас.

### Асосий клавишларнинг вазифалари

**Enter (1).** Матн билан ишлашда бу клавиш босилса янги сатр ҳосил бўлади. Бошқа ҳолатларда эса компютерга тасдиқлаш маъносидаги буйруқ ("Ҳа", "Ok", "Да") шу клавишни босиш орқали амалга оширилади. Бу клавишнинг бош вазифаси — "Киритиш" ("Ввод").

**Esc (2).** Мавжуд операция ёки айрим дастурлардан чиқиб кетиш учун ишлатилади.

**Space (3).** "Пробел" номи остида кўпчиликка яхши таниш бу клавиш матн терища сўзларнинг орасини ажратиб ёзишда ишлатилади. Шу ўринда бир "олтин қоида"ни унутманг: сўзларни ажратишда пробел ҳар доим бир марта босилиши шарт. Иккинчи қоида: тиниш белгилари (.,/,/?/!) ҳар доим ўзидан олдинги сўзга қўшилиб ёзилади, улардан кейин ҳар доим пробел клавиши бир марта босилади.




**Ctrl (4).** Назорат ("контроль") функциясини бажарувчи бу клавиш доимо бир ёки бир нечта клавишлар билан бирга ишлатилади (босилади). Турли клавишлар комбинациясига қараб турли вазифалар бажарилади.

**Alt (5).** Бу клавишнинг вазифаси ҳам Ctrl клавишиники билан деярли бир хил.

**Стрелкалар (6)** курсор (экрандаги матн варағида милтиллаб турувчи тик чизиқ — у қаерда турса матн ёзиш шу ердан бошланади)нинг матн бўйлаб ҳаракат йўналишини бошқаради.

**Shift (7).** Бош ҳарфни ёзиш учун ишлатилади. Масалан, "а" ҳарфини "А" шаклида ёзиш учун Shift клавишини босиб туриб, уни қўйиб юбормасдан "а" клавишини босиш керак.

**Caps Lock (8).** Бу клавишни бир марта босиб қўйсангиз бас: ҳамма ҳарфлар катта ёзилаверади. Унинг ишлаётганини калвиатуранинг ўнг тепа бурчагидаги Caps Lock чироқчаси ёниб турганидан ҳам билсангиз бўлади. Бу функцияни ўчириш учун Caps Lock яна бир марта босилиши керак.

**Tab (9).** Сўзбошини ўнг томонга суради.

**Back (10).** Курсордан чап томонда жойлашган символ (ҳарф, рақам)ни ўчиради. Агар у Ctrl клавиши билан бирга ишлатилса (Ctrl+Back) курсордан чап томондаги ҳар бир сўзни биттама-битта ўчиради.

**Del (11).** Бу курсор Backнинг акси – фақат курсорнинг ўнг томонидаги сўзларни ўчира олади. Агарда Ctrl+Back комбинацияси ишлатилса, ўзидан ўнг томондаги ҳар бир сўзни биттама-битта ўчиради.

### Клавишлар комбинацияси

- **SHIFT ва исталган стрелка** — экрандаги (у "Рабочий стол"/"Иш столи" дейилади) ёки матндаги бир нечта элементни белгилаш учун.
- **CTRL+C** — белгиланган бўлакни кўчириш (нусха олиш).
- **CTRL+V** — нусха олинган бўлакни қўйиш.
- **CTRL+Z** — охирги бажарилган иш-ҳаракатни бекор қилиш
- **CTRL+A** — ҳамма объектларни белгилаб олиш (масалан, шундан сўнг CTRL+C босилса ҳамма объект нусхаланади).
- **ALT+F4 (12)** — амалдаги элементни ёпиш ёки фаол дастурдан чиқиш.
- **F2 (13)** — танланган элемент номини ўзгартириш.
- **F5 (14)** — Интернетда ишлаётганда фаол ойнани янгилаш.

***ИЗОҲ:** айрим клавишларга ҳозирча мисоллар келтирмадиқ, тегишли мавзуларга ўтганимизда уларга ҳам батафсил тўхталамиз.*

**(Бошланиши ўтган сонда. Давоми бор.)**

Сабоқларимизни кузатиб боринг! 3-дарсимизда компютерда тил функциясини ўзгартириш, "сичқонча"дан фойдаланишни ўрганамиз.



KOICA ташкилоти Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетига Кореядан кўнгиллиларни жалб қилишга кўмаклашади.

СМАРТФОНЛАР




## Даромаднинг зўри кимда?

2017 йил охирги чораги ҳисоботларига кўра, смартфонлар савдоси рекорд кўрсаткични қайд этган — 120 млрд. доллар. Бу бир йил олдинги шу чорак натижасидан 8 фоиз юқори кўрсаткич бўлиб, бу вақт оралиғида битта смартфоннинг ўртача нархи 18 фоизга қимматлашган (255дан 300 долларгача). Вендорлар орасида энг кўп даромадни Apple, ўзининг iPhone X флагманига талаб ўта юқорилиги боис, қўлга киритди — 61 млрд. доллар, бу глобал смартфонлар бозоридаги пулларнинг 51 фоизидир. Солиштириладиган бўлса, бу иккинчи ўриндаги Samsung компаниясиникидан уч баравар, учинчи ўриндаги Huawei компанияси даромадидан етти баравар кўп маблағдир.

Яна бир қиёслаш: Apple смартфонларининг ўртача нархи 800 доллар бўлса, Samsungда бу кўрсаткич 254, Huaweiда 205 долларни ташкил қилган.

ХАВФСИЗЛИК

## “Орқа план”даги ишлар

Замонавий смартфонлар яхшигина ҳисоблаш қувватига эга, шу боис ҳимоясида заифликка сал йўл қўйилса бас, улар ноқонуний криптовалюта майнерларининг қурбонига айланиш ҳеч гапмас. Яқинда Malwarebytes тадқиқотчилари Monero сайтига 50 миллионтадан кам бўлмаган ташрифларни кузатишди ва буни бевосита андроид платформали мобил қурилмаларга уюштирилган энг йирик майнинг ҳужуми сифатида қайд этишди.

Одатда ноқонуний майнингда “иштирок этаётганини” смартфон эгаларининг ўзлари пайқашмайди ҳам, чунки майнинг “орқа план”да рўй беради. Буни смартфон тизимидаги секинлашув ва унинг вентиляторидаги шовқиннинг кучайишидан илғаса бўлади.

Аммо бу кампания ўзгача кечди ва телефон эгаларига қуйидагича огоҳлантирув хабари келган: “Сизнинг қурилмангиз ўзини шубҳали тутяпти. Марҳамат қилиб captchaни ечиб, ўзингизнинг инсон эканингизни исботланг”. Сиз ўзингизнинг инсон эканингизни тасдиқламас экансиз, қурилмангиз (смартфон, планшет)даги браузер Monero криптовалютаси майнингини бажараверади”.

ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## Бунақаси бўлмаган: лазер мобил қурилмаларни масофадан қувватлайди

Вашингтон университетида илк маротаба смартфонлар, планшетлар, рақамли камераларни ёки ноутбукларни лазер ёрдамида узоқ масофадан хавфсиз қувватлаш усули ишлаб чиқилди.

Бунда қувват олувчи қурилма 15 квадрат сантиметрли юпқа фотоэлектрик элемент билан қопланади. У 2 Вт электр энергиясини 4,3 метргача узоқликка лазер воситасида етказиб бера олади. Агарда қабул қилувчи юза майдони 100 квадрат сантиметргача оширилса, қувватлаш масофасини 12 метргача узайтириш мумкин бўлади.



СУНЪИЙ ТАФАККУР

## Кўзга қараб юрак хасталиклари ўрганилади

Google ҳамда унинг тиббиёт технологияларига ихтисослашган Verily шўъбаси инсонда юрак-қон томир касалликлари келиб чиқишини олдиндан айтиб берадиган алгоритм яратишди. Nature Biomedical Engineering журналида чоп этилган мақолага кўра, бунинг учун кўз тўр пардаси суратлари таҳлил қилинади.

The Verge нашри маълум қилишича, тадқиқотчилар таклиф этаётган бу усул прогнозлашда шу пайтгача беморларда қон таҳлили бўйича ўтказилган тестлар каби аниқликка эга.

Алгоритмни ўргатиш учун мутахассислар 300 мингдан зиёд беморнинг кўз тўр пардаси ва бошқа тиббий кўрсаткичлари жойлашган маълумотлар базасидан фойдаланишди.



**С.ТЕМИРОВ** тайёрлади

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## Қозоғистонда лотин ёзувига асосланган янги қозоқ алифбоси тасдиқланди

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев қозоқ тили алифбосининг лотин ёзуви асосидаги янги версиясини маъқулловчи фармонга имзо чекди.

2017 йилнинг октябрида Назарбоев қозоқ тили алифбосини 2025 йилгача лотин ёзувига босқичма-босқич ўтказиш ҳақида фармонни имзолаган эди. Ўшанда 32 ҳарфдан иборат бўлган лотин графикасидаги қозоқ тили алифбоси тасдиқланди. Аммо кўплаб мутахассислар ва оддий фуқароларнинг фикрига кўра, унда ўқиш ҳамда ёзишни қийинлаштирадиган ажратиш белгилари кўп қўлланган. Тасдиқланган янги алифбо ҳам 32 ҳарфдан иборат бўлиб, унда ажратиш белгилари сони камайган ва диграфлар (sh, ch) киритилган.

## Саудия Арабистони атом гигантига айланмоқчи

Саудия Арабистони ҳукумати тинч атом технологиясини ўзлаштириб, мамлакатда ўнлаб атом электростанциялари қурмоқчи. СА ташқи ишлар вазири Одил ибн Аҳмад ал-Жубайр Мюнхенда бўлиб ўтган хавфсизлик конференциясида Ар-Риёд ҳозирда атом электростанциялари қуриш масаласида ўнлаб давлатлар билан музокаралар олиб бораётганини маълум қилди. "Нефт салоҳиятимизни сақлаш учун атом электростанциялари тизимини яратмоқчимиз", деди у ва ҳозирча ҳамкорлар масаласида бир тўхтамга келинмаганини қўшимча қилди.



Вазирнинг сўзларига кўра, бу мақсад учун 80 миллиард доллар ажратилган. Яқин 20-25 йилда қироллика 16та ядро реактори қуриш режалаштирилмоқда.

## Суриялик аёл ўнлаб инсонлар ҳаётини сақлаб қолди

Асмо Кермен — қуролли мухолифат назорати остидаги Дара вилоятида қидирув-қутқарув ишларида иштирок этаётган кўплаб сууриялик аёллардан биридир. У авиазарбалар ва отишмалар туфайли қулаган биноларнинг харобалари остидан ярадорларни кавлаб олишга ёрдам беради.

Уч фарзанднинг онаси Асмо зиддиятнинг илк кунлари ҳукуматга қарши акцияларда иштирок этган ва сўнгги икки йилда "Оқ қалпоқлилар" номли Сурия фуқаро мудофааси сафида хизмат қилмоқда. Унинг сўзларига кўра, қутқарув ишларида аёлларнинг иштироки жуда муҳим. "Кўпинча харобалар остидан аёлларни тортиб олишади ва эркаклар уларга ёрдам кўрсата олишмайди", дейди Кермен.



## Япония қирувчи самолётлар харид қилади

Япония ҳукумати яқин олти йил ичида АҚШдан 25та F-35A қирувчисини сотиб олишни режалаштирмоқда. Хабарга кўра, ҳар бир тайёр қирувчи мамлакатга тахминан 100 млн. долларга тушади. Самолётларни мамлакатда йиғиб ўтирмасдан, АҚШдан тўғридан-тўғри харид қилиш режалаштирилган.

## Туркия биринчи марта Қуддусда илмий анжуман ташкиллаштиради

Қуддусда 23-25 март кунлари Ижтимоий фанлар II конгресси бўлиб ўтади, унда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан олимлар иштирок этади. Конгресс Ғози университети, Turkish Studies журнали ва Қуддус университети ташаббуси билан бўлиб ўтади.

Ғози университети ректори, профессор Иброҳим Услан маълум қилишича, биринчи марта бундай конгресс Испаниянинг Андалусиясида ўтган. Унинг сўзларига кўра, конгресс Фаластинда бўлиб ўтаётгани туфайли алоҳида аҳамиятга эга. Конгресс ташкилотчиларига кўриб чиқиш учун 300та илмий маърузалар келиб тушди.

**У.ТОЖИБОЕВ** тайёрлади

# “БРАЗИЛИЯ МЎЪЖИЗАСИ”: ЭНДИ НАВБАТ ТУНИСГА




***Яқинда “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва ZOODEL компанияси ўртасида Ўзаро англашув меморандуми имзолангани ҳақида хабар берган эдик. Томонлар ўз келишуви доирасида юртдошларимизга кўплаб қулайлик ва имкониятлар тақдим этишни, жумладан, мамлакатимиз тадбиркорларига жаҳон бозорига йўл очишни режалаштиришган. Ишонамизки, бу лойиҳа тез орада бир ўзанга тушиб, ўз натижаларини беришни бошлайди. Энди эса эътиборингизни океанортига — узоқ Бразилияга қаратмоқчимиз. Гап шундаки, бундан ўн беш йиллар илгари Бразилияда ҳам шунга ўхшаш лойиҳага қўл урилган ва нафақат бу мамлакат, шунингдек, Жанубий Америка давлатларидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарига чет элга маҳсулот экспорт қилиш учун қулай тизим тақдим этилганди. Энди бу услубни Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) глобал мавқега олиб чиқмоқчи — старт Тунисда берилади.***

Маълумотларга қараганда, корхоналардан истеъмолчиларга йўналтирилган халқаро электрон савдо бозори ҳажми тахминан 1,2 млрд. АҚШ долларига баҳоланмоқда. Шунга қарамасдан, маҳсулотини хорижга чиқара олмаётган кичик корхоналар дунёда сероб. Сабаби тўсиқлар: узоқ давом этувчи ва мураккаб божхона жараёнлари, экспорт қийматининг ўта баландлиги, аксарият логистика компаниялари фақат йирик мижозлар билаш ишлаши ва ҳоказо омиллар. Бунинг устига йирик аҳоли масканларидан узоқда жойлашган айрим кичик ва ўрта бизнес корхоналари назардан четда қолиб кетяпти. Айни шу ўринда кам миқдордаги товарларга логистика хизматлари кўрсатувчи почта операторлари “назардан четда”ги маҳаллий кичик корхоналарнинг жонига оро киришини айрим чет мамлакатлар тажрибаси кўрсатмоқда.

> **“Бир пайтлар аксарият давлат идора-лари почтани назарига ҳам илмасди”**

Бироқ ёлғиз почтанинг қўлидан ҳеч нарса келмайди: божхона, товарни бозорга чиқарувчи агентликлар, кичик корхоналарга кўмаклашувчи муассасалар бошини қовуштириш керак. Шу боисдан ҳам БПИ яқинда ўз дастури билан чиқди. Дастурдан мақсад турли мамлакатларга почта тармоқлари ёрдамида маҳаллий кичик ва ўрта бизнес вакилларининг маҳсулотларини экспорт қилишни енгиллатиб берувчи тизимни яратишда кўмаклашишдир.

Дастурдан учта мақсад кўзланган: экспорт харажатларини камайтириш, фойдаланишнинг қулайлиги ва мамлакатдаги фаолият доираси.

Хуллас, анчайин баландпарвоз лойиҳа! Аммо у аввал Бразилияда ва кейин Жанубий Америкада татбиқ этилиб, 15 йиллардан бери ишлаб келаётган модел асосига қурилган. Яъни, синовдан муваффақиятли ўтган тажриба.

## Хўш, бразилияликларнинг биз билмаган сири нима экан?

Бутун Жанубий Америкага Exporta Facil номи остида танилган “бразилча услуб”га 2001 йили Бразилия почтаси (Correios) асос солган. Ўша пайтларда улар мамлакат иқтисодиётини фаоллаштириш ва жамият тараққиётига эришишда айнан почта нима қилиб бера олади, деган ўта долзарб масала устида изланишарди. “Мамлакатимиздаги компаниялар, айниқса, кичик ва ўрта бизнес экспорт йўналишида фаолият бошлашда доим мураккаб бюрократик ва маъмурий, божхона ва логистика жараёнлари билан тўқнаш келарди, — дейди Бразилия Фан, техника, инновациялар ва алоқа вазирлиги маслаҳатчиси Роз Мари Антунез. — Бунинг оқибати шу бўлдики, мамлакат кичик ва ўрта бизнеси маҳсулотлари фақат ички бозорга йўналтирила бошланди. Аммо Correios почта операторлари мутахассислари муаммодан ютуқ ясаш мумкинлигини ўз вақтида англаб етишди: улар шу бўшлиқни тўлдириш учун янги маҳсулот ва ечимлар ишлаб чиқишга киришишди. Exporta Facil — ана шу меҳнатлар маҳсули”.

Антунез хонимнинг таъкидлашича, бу дастурни амалга ошириш учун почтада инфратузилманинг мавжудлиги билан иш битмасди, аввало ҳукумат бу лойиҳага катта ҳисса қўшди, экспорт жараёнининг бошқа қатнашчилари — марказий банк, ишлаб чиқарувчилар, божхона ва халқаро майдондаги ҳамкорларни қўллаб-қувватлади.

Дастур эса кичик бизнеснинг жаҳон бозорига чиқиши йўлидаги тўсиқларни олиб ташлашда муваффақият қозонди — мамлакатдаги барча аҳоли масканларида мавжуд 8000та почта бўлими орқали арзон ва қулай экспорт амалга ошрила бошланди.

Мазкур вазирликнинг почта хизматлари ва давлат корхоналарини бошқариш бўлими мувофиқлаштирувчиси Франклин Фуртадонинг айтишича, айни пайтда мамлакатдаги иккинчи йирик почта бренди айнан Exporta Facil ҳисобланади.

**ҚИЁС:**

***1 Экспорт жараёнларининг соддалаштирилиши натижасида энди экспорт харажатлари маҳсулот нархига нисбатан бор-йўғи 1 фоизни ташкил этмоқда — илгари 16 фоиз эди.***

***2 Лойиҳа ишга туширилган йили экспорт ҳажми 12 230 000 АҚШ доллари бўлган бўлса, 2016 йили 230 000 000 АҚШ долларини ташкил этди.***

Жаноб Фуртадонинг таъкидлашича, почта шу лойиҳаси билан нафақат молиявий ютуқларга эришди, балки ҳукуматнинг бошқа дастурларида ҳам “ишончли ҳамкор” мақомига эга бўлди. Ўтган 15 йилдан зиёд давр мобайнида ҳукумат молиявий, соғлиқни сақлаш, таълим масалаларидаги дастурларига албатта почтани ҳам жалб этиб келаётир. Ҳолбуки, бир пайтлар аксарият давлат идоралари почтани назарига ҳам илмасди.

## Қитъанинг забт этилиши

Ўз мамлакатида лойиҳа муваффақиятидан руҳланган Бразилия ҳукумати Жанубий Америка мамлакатлари иттифоқи (UNASUL) билан ҳам келишувга эришди. Қитъа мамлакатлари интеграциясида жуда муҳим рол ўйновчи бу нуфузли ташкилот Exporta Facilни ўзининг 2012 — 2022 йилларга мўлжалланган стратегик режасига киритди.

Америка, Испания, Португалия почта иттифоқи ва Америка банки ҳам четда турмади — Колумбия, Эквадор, Перу ва Уругвайда Exporta Facil амалий дастурини тўлиқ жорий этиш учун бор куч ташланди. Айни пайтда Парагвайда дастур босқичма-босқич жорий этилмоқда, Аргентина, Боливия, Чили ва Венесуэлада эса дастлабки синовлар ўтказиб бўлинди.

## Сиздан угина биздан бугина

Ўрганса бўладиган жиҳат: мазкур лойиҳани бошқа мамлакатларда жорий этишга ўз малакали мутахассисларини юборган мамлакатнинг ўзи ҳам Exporta Facilни барпо этишда четдан техник кўмак олади.

## Лойиҳа қиймати қанча?

Exporta Facilни тўлиқ жорий этиш учун сарфланадиган маблағ қиймати турли мамлакатларда инфратузилманинг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб ҳар хил баҳоланмоқда. Яқинда қилинган таҳлиллар кўрсатишича, техник хизматчиларни тайёрлаш, таҳлил, техник ходимларнинг бошқа мамлакатларга хизмат сафарлари, иш режалари тузишга сарфланадиган асосий харажатлар мана шу лойиҳа жорий этилган биринчи йилдаги экспорт умумий қийматининг бирдан уч фоизигачани ташкил этаркан.

## Эстафета

Фуртадонинг айтишича, лойиҳа Жанубий Америка мамлакатларида ҳам муваффақият қозонгач, дунёнинг турли бурчакларидан тинимсиз қўнғироқлар бўла бошлади. Лойиҳа дунё бўйича эътироф этилди, уни бошқа минтақаларга олиб бориш учун БПИнинг ёрдами керак бўлди. Бразилия почтаси ва БПИ 2011 йили ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришишди. Унга кўра, Бразилия лойиҳани амалга ошириш бошланганидан бери тўплаган бор билими, Жанубий Америка мамлакатларига қай тарзда техник кўмак берилгани ҳақидаги тажрибасини БПИ билан ўртоқлашадиган бўлди.

Қатор йиллар ҳамкорликда олиб борилган ўрганиш ва изланишлардан кейин БПИ дунёнинг бошқа минтақалари учун ўзининг Easy Export лойиҳасини ишга тушириш арафасида турибди. Бу лойиҳа жорий этиладиган биринчи мамлакат эса Шимолий Африканинг Тунис мамлакатидир.

***Easy Export лойиҳаси қай тариқа ишлайди? Тунис бу жараёнга шайми — мақоланинг давоми билан газетамизнинг кейинги сонида танишишингиз мумкин.***


“Nokia” ноодатий револвер-камерага эга смартфонни тақдим қилади.

# НИҚОБ

Ричард ДЕМИНГ

Ричард Деминг (1915–1983) – америкалик ёзувчи. У Миссури штатидаги Сент-Луис шаҳарчасида улғайган, Вашингтон университетида ҳамда Айова штатидаги Адабиёт университетида ўқиган. Кўплаб ҳикоялар ва 57та детектив муаллифидир.




Имоним комилки, аввалига учовимиздан бирортамизнинг ҳам миямизда банкни талаш фикри йўқ эди. Ҳаммаси Чарлз Эшлининг зукколигидан бошланди. Мен билан Мел Харрисон эса даҳо қандай қилиб мураккаб муаммоларни еча олишини кўришга қизиққанимиз туфайли бу ишга аралашиб қолдик.

Ҳаммаси Мел иккимиз Чарлзнинг уйида уй вазифасини бажарган оқшомдан бошланди.

Биз вазифаларни бажариб бўлгач, уй-уйимизга тарқалишдан олдин бирпас лақиллаб ўтирдик. Суҳбатимиз жиноятчилик ҳақида эди.

Чарлз ҳар доимгидек завқ билан сўзларди. Унинг айтишича, ақлли одамларнинг қонунни бузишга эҳтиёжлари йўқ бўлиб, бойиб кетишнинг кўплаб йўллари бор экан.

– Билишимча, Вилли Саттон бир нечта муваффақиятли, пухта ўйланган банк ўғриликларини амалга оширган, – дедим мен.

Чарлз киноязи илжайди.

– Умрининг қолган қисмини турмада якунлаш муваффақият ҳисобланадими, Гарри? Адашмасам, Виллига 135 йил беришган. У ҳеч қачон ҳамма майда-чуйдаларни ҳисобга олмаган. Ҳар сафар Вилли иштирокидаги талончиликдан сўнг унинг ташқи кўриниши ҳақида радио ва телевидениеда жар солишган, ҳар бир бурчакда унинг "қидирувда" деган ёзувли сурати осиғлиқ турган. Ҳақиқий ақлли талончи шундай бўлиши кераккi, у банкни ўмарганидан кейин ҳеч ким ундан шубҳаланмаслиги керак. Мен банкни талашим ва бемалол яширинмасдан юришим мумкин.

– Сенга банкни талашнинг нима кераги бор? – деди Мел. – Барибир банкдаги пулларнинг ярми сеники-ку.

– Ҳамма гап мана шунда, – деди Чарлз. – Аслида, омадли жиноятчи деб пулга эҳтиёжи йўқ одамга айтилади, чунки у ақллилиги учун пулни қонунни бузмасдан топиши мумкин. Уни жиноятга ундовчи сабаб эса пулга эга бўлиш эмас, бошқа нарса бўлади. Масалан, ўзининг зукколигини кўрсатиш истаги бўлиши мумкин.

– Агар мен банкни таласам, фақат пул учун талаган бўлардим, – гап ташладим. – Менинг отам мултимиллионер эмас.

– Меники ҳам, – деди Мел. – Чарлз, агар сенга пул керак бўлмаса, сенинг улушингни ҳам олган бўлардим.

Аслида Чарлз Эшли ўзи бир цент ҳам топмасди. Унинг отаси мамлакатдаги энг бой нефт саноатчиларидан бири бўлиб, Чарлзнинг шахсий бойлиги ҳам отасининг бевосита бошқарувида эди. Чарлзнинг ўзи ҳам бировнинг кўмагисиз бемалол бойиб кетиши мумкин эди, чунки у мен умримда кўрган энг ақлли инсонлардан бири эди.

Биз ҳаммамиз Лос-Анжелесдаги Калифорния университетининг юқори босқичида ўқирдик, орамиздаги дўстлик талабаликнинг илк кунлариданоқ бошланган эди. Чарлз туғма истеъдод соҳиби бўлиб, юқори босқич сардори, "Фи-бета-каппа" талабалар тўгараги президенти, зукколар гуруҳи етакчиси эди. У ҳамма фанлардан фақат аъло баҳога ўқирди. Унинг биргина камчилиги – қизлар билан гаплашгани уяларди. Бунга менимча унинг спортнинг бирорта ҳам тури билан шуғуллана олмаслиги сабаб эди.

Мел Харрисон эса аксинча, гавдали, қолоқ талабалардан эди. У эплаб-сеплаб ўрта баҳога илашиб юрарди. Аммо Чарлз ақлан қанчалик етук бўлса, у ҳам жисмонан шунчалик етук эди. Мел университет футбол терма жамоасининг асосий ҳимоячиси, тош кўтариш, найза ва диск улоқтириш, кураш бўйича талабалар ўртасида чемпион эди.

Шахсан менга келсак, мен – Гарри Уорс ўртача йигит эдим. Ўзимни унчалик ҳам зўриқтирмаган ҳолда яхши баҳога ўқирдим. Чарлз Эшлининг мен билан дўстлашишига қизлар билан жуда тез ва осон тил топишишим сабаб бўлган бўлса керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, мен мерган ҳам эдим. Йигирма иккинчи калибрли оптик мўлжалли милтиқдан 50 ярд наридаги тангани ура олардим.

Чарлз усти очиладиган қимматбаҳо автомашина минар, Санта-Моникадаги тўрт хонали уйда турарди. Мелнинг ота-онаси ўзларига тўқ бўлишмасада, унга тез-тез пул жўнатиб туришар, у ҳам ҳар қалай минилган бўлса-да ўз машинаси ва яшаш жойига эга эди.

Уларнинг ичида энг камбағали мен эдим. Мен Лос-Анжелесдаги эски бир кулбада ижарада турардим. Ижара ҳақи ва емоқ-ичмоғимни таъминлаш учун ҳар куни кечқурун ресторанда бир ярим соат официантлик қилардим. Ёзда фабрикада ишлаб, ўқиш ва бошқа харажатларим учун пул топардим. Менинг 1950 йилда ишлаб чиқарилган автомобилим бўлиб, уни атиги 25 долларга сотиб олгандим.

Мавқеимиздан қатъи назар, биз қадрдон дўстлар эдик. Чарлз ҳеч қачон ўзининг бойлигини пеш қилмас, биз ҳам ўз навбатида унинг пулига тайёр емакхўрлик қилмасдик. Аммо барибир, аксарият ҳолларда биз унинг вино ёки ликёрига шерик бўлардик, чунки унинг уйи бизнинг йиғиладиган паккамиз эди. Агар бирор жойга чиқадиган бўлсак, бу бирорта арзонроқ ресторан бўларди.

Чарлз сўзида давом этди:

– Муваффақиятли жиноятнинг энг асосий омили шундаки, ҳеч ким сени жиноят содир этганликда гумон қила олмайди. Ана шунда мамлакатдан қочиб кетишга ҳам, яшириниб ёки бирортаси таниб қолишидан қўрқиб юришингга ҳам ҳожат қолмайди. Сен бемалол уйингда ухлашинг, одатий ҳаётингни давом эттиришинг мумкин бўлади. Ҳаттоки, сен куни кеча талаган банкингга ҳам ҳеч қўрқмасдан кириб боришинг мумкин.

– Бу осон бўлмаса керак, – деди Мел. – Қандай қилиб бунга эришиш мумкин?

– Ниқобланиш, – жавоб қилди Чарлз. – Аксарият жиноятчилар жиноят содир қилгандан кейин ниқобланишга уринишади, аммо мен жиноятга қўл уришдан олдин ниқобланган бирорта ҳам ақлли жиноятчи ҳақида эшитмадим.

Чарлз қўли билан қандайдир ишора қилди ва гапида давом этди:

– Мен оддий ниқобни назарда тутаётганим йўқ. Мен одамнинг ташқи кўринишини бутунлай ўзгартирадиган, аммо ниқоблиги билинмайдиган ниқобланиш ҳақида гапиряпман. Бу шунчаки ясама соқол эмас, балки Голливуд гримчисининг ҳақиқий иши бўлади. Бирор филм учун актёрнинг ташқи кўринишини қанчалик ўзгартиришларини яхши биламиз. Гримчилар юз шаклини ўзгартириш учун махсус матолар ёпиштиришади, буруннинг ўлчами ва шаклини ўзгартиришади, ҳаттоки янги қулоқ ҳам ўрнатишлари мумкин. Махсус воситалар ёрдамида гавда тузилишини ҳам ўзгартирса бўлади. Тўғри, буларнинг ҳаммаси юксак маҳоратни талаб қилади. Бенжамин Фаст шунчаки ҳазил тариқасида иккита машҳур актёрнинг юз қиёфаларини бир-бириникига шунчалик ўхшатганки, улар минглаб томошабинлар олдида гримларини олишгачгина бу ёлғон фош бўлган.

*(Давоми кейинги сонда.)*

**Дилшодбек АСҚАРОВ**
**таржимаси**

## ТАЖРИБА

# Болалар китоб билан дўстлашишлари учун 10 усул



1. Фарзандингизга кичкиналигиданоқ қисқа ва қизиқ эртаклар ўқиб беринг. Китоб, албатта, ёрқин ва рангли бўлсин. Бола рангли нарсаларни осон эслаб қолади.

2. Бола ўқиган китобларни бирга таҳлил қилинг. Янада қизиқтириш учун эса ўқиганидан келиб чиқиб, сўзлаб ёки чизиб беришини таклиф этинг.

3. Бошқотирмалар тузиб, бирга ечинг. Эртак қаҳрамонларини суратини қирқиб олиб, дилбандингиз билан бирга уларни яхши ва жаҳлдор қаҳрамонларга бўлинг.

4. Ўқиган китоби унда қандай таассурот қолдирганлигини сўранг, ёққан ва ёқмаганларини айтиб берсин. Биргаликда мутолаа қилиш учун бирга китоб харид қилинг ёки танланг.

5. Эртаклар тўплами ёки бадиий асар муаллифи ҳақида қизиқ фактлар келтиринг, бош қаҳрамон ҳақида ҳикоя айтиб, қизиқтиринг. Ёки бўлмасам китобни маълум қисмигача ўқинг-да, "давомини ўзинг ёзиб кўрчи" денг.

6. Ўқиётган китобингдан қанча қизиқарли маълумотлар топсанг, шунча ширинлик бераман деб, фарзандингизнинг қизиқишини оширинг.

7. Нуридийдангиз билан биргаликда машҳур китоб муаллифлари уй-музейларига ташриф буюринг. Боришдан олдин эса болага оддий сўзлашув услубида ёзувчининг ҳаёти ва ижоди, ёзган асарлари ҳақида сўзлаб беринг. Иложи бўлса, расмини ҳам кўрсатинг.

8. Болалар билан тез-тез кутубхонага боришни канда қилманг. Кутубхонада китоб ўқишнинг ҳам ўз гашти бор. Болага у ернинг муҳити яхши таъсир қилади.

9. Ҳар кеч маълум бир китобдан ҳеч бўлмаганда 5та гап ўқитишни одат қилинг. Вақти келиб, у китобга қизиқиб кетиб ўзи билмаган ҳолда 5та эмас 50та гап ўқийдиган бўлади.

10. Болангизга янги ўйинчоқ харид қилаётганда ёнига кичик китобча ҳам қўшиб олинг. Бу совға ҳеч қачон фарзандингизнинг эсидан чиқмайди.




# АО "Узбекистон почтаси" объявляет конкурс

АО "Узбекистон почтаси" объявляет конкурс на изготовление и размещение наружной рекламы на общественном транспорте (автобусах, метро, маршрутных такси), а также на билл-бордах по городу Ташкент.

**Условия конкурса:**

| № | Вид рекламы | Параметры | Количество |
|---|---|---|---|
| 1 | Автобус марки "Mercedes-Benz" | в салоне, размер 170х45 см. | 50 |
| 2 | Автобус марки "Isuzu" | правая сторона 290х122 см.<br>левая сторона 560х122 см. | 20 |
| 3 | Метро | в вагонах, размер 16х52 см. | 500 |
| 4 | Маршрутные такси марки "Gazel" | внешняя сторона 320х100 см. | 20 |
| 5 | Баннеры | изготовление и размещение на билл-бордах, размер 6х3 м. | 20 |

**Для участия в конкурсе, участники должны предоставить следующие документы:**

- ксерокопию свидетельства о государственной регистрации;
- ксерокопию паспорта руководителя организации;
- письменное коммерческое предложение.

Услуги должны включать:

- оформление необходимых разрешительных документов на дизайн и размещение;
- монтаж и демонтаж рекламы;
- разработку дизайна;
- печать рекламной продукции.

**Требования к "Поставщику":**

- участник, выиграший конкурс ("Поставщик"), должен в течение 3-х календарных дней явиться в офис "Заказчика" для оформления договора;
- "Поставщик" должен иметь стаж работы в аналогичной сфере деятельности не менее 3-х лет;
- "Поставщик", поставляющий услуги по настоящему договору гарантирует и несет ответственность за полное соответствие услуг заявке "Заказчика";
- Перед подписанием договора "Поставщик" предоставляет "Заказчику" образцы дизайна рекламы.

**Коммерческие предложения по конкурсу направлять с 23 февраля по 5 марта 2018 года на e-mail: marketing@post.uz.**
**Контактный телефон: +99871 237-24-12.**

АО "Узбекистон почтаси" объявляет конкурс на изготовление и поставку тематического подарочного кляссера, посвящённого жизни и деятельности Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова. А также объявляет конкурс на приобретения шпагат почтовый (кручённый) размером 18х20 мм.

1.Тематический подарочный кляссер

| № | Требования к материалу | Кол-во страниц | Размер | Кол-во (штук) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Твёрдый переплёт, выпуклый, лакированное покрытие, фольга, вклейка кармашков для сцепок марок | 100 | 240х230мм. | 500 |

АО "Узбекистон почтаси" а также объявляет конкурс на приобретения шпагат почтовый (кручённый) размером 18х20 мм.

2.Шпагат почтовый

| № | Требования к материалу | Кол-во (кг) | Размер |
|---|---|---|---|
| 1 | Шпагат кручённый | 2000 | 18х20 мм. |

Для участия в конкурсе, участники должны представить следующие документы:

- ксерокопию свидетельства о государственной регистрации;
- ксерокопию паспорта руководителя организации;
- письменное коммерческое предложение.

**Коммерческие предложения по приобретению шпагатов направлять на e-mail: b.djuraev@post.uz, а по кляссерам e-mail: info.marka@post.uz с 23 февраля по 5 марта 2018 года.**
**Контактный телефон: 236-72-96 или +99899 844-34-10 (904-33-71).**

АО "Узбекистон почтаси" в целях улучшения качества оказываемых услуг, объявляет конкурс на изготовление и поставку трёх видов коробок, которые будут использоваться для отправки посылок, мелких пакетов и бандеролей.

| № | Размеры см. | Требования к материалу | Количество |
|---|---|---|---|
| 1 | 50х25х30 | Толстый картон | 10000 |
| 2 | 40х20х30 | Толстый картон | 10000 |
| 3 | 30х20х15 | Толстый картон | 10000 |

**Коммерческие предложения по конкурсу принимаются с 23 февраля по 5 марта 2018 года.**
**Примечание: необходимо представить дизайн предлагаемых коробок.**
**Контактный телефон: 236-72-96 или (+99) 844-34-10.**

**АО "Узбекистон почтаси"**

## Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига мувофиқ:

"SARKOR TELEKOM" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг (Тошкент ш.) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2013 йил 12 июнда берилган АА серияли 0004706 рақамли;

"ALOQA-PRO" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.):

- кўчма радиотелефон (радиотелефон) алоқа тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 14 мартда берилган АА серияли 0005797 рақамли;
- маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2016 йил 14 мартда берилган АА серияли 0005798 рақамли лицензиянинг амал қилиши муддати 2018 йил 20 февралдан тугатилди.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Матбуот тарқатувчи" АК Кузатув кенгаши жамоаси компанияда узоқ йиллар раҳбарлик вазифаларида меҳнат қилиб нафақага чиққан

**Бахтиёр КУБЕЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

ALSKOM суғурта компанияси жамоаси компаниянинг суғурта даъволарини бартараф этиш департаменти менежери Нигора Абдувахаповага турмуш ўртоғи

**Улуғбек АБДУВАХАПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ALSKOM суғурта компанияси жамоаси компаниянинг юридик хизмати бошлиғи Зокиржон Дусметовга онаси

**Хонимжон ДУСМЕТОВАнинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

# "БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ"да маърифат учқуни

*Хитойлик меҳмонларга “Ўтмиши қадим, келажаги нурли диёр” номли Навоий вилояти ҳақидаги безакли китоб-албомлар совға қилинди.*



“Бир макон, бир йўл” лойиҳаси бошлангач, Хитой – Ўзбекистон иқтисодий алоқалари янада юқори босқичга кўтарилди. “Навоийазот” АЖ негизида йирик лойиҳаларни амалга ошираётган “China CAMC Engineering Co.Ltd” ва “HQC Shanghai company” компаниялари консорциуми маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаётгани эса алоҳида эътиборга моликдир.

Яқинда хитойликлар миллий янги йил байрамини нишонлашди ва шу муносабат билан Навоий вилоятида фаолият юритаётган “China CAMC Engineering Co.Ltd” (CAMCE) ва “HQC Shanghai company” компаниялари вилоят ахборот-кутубхона марказига китоблар тақдим этишди.

Ахборот-кутубхона маркази билан танишиб чиққан меҳмонлар вилоятимизда ва республикамизда китобхонликка эътибор юқорилигини эътироф этишди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Фахриддин Солиев азиз меҳмонларни миллий айёмлари билан табрикларкан, вилоятимиз китобхонларига қилинган бебаҳо совға учун миннатдорлик билдирди. “China CAMC Engineering Co.Ltd” компанияси вакили Хуанг Кайли ўзбек халқининг меҳмондўстлиги учун ташаккур айтиб, “China CAMC Engineering Co.Ltd” (CAMCE) ва “HQC Shanghai company” компанияларининг 20 минг АҚШ доллари қийматидаги китоблари ҳадя сертификатини топширди.

Ўз навбатида, хитойлик меҳмонларга ҳам “Ўтмиши қадим, келажаги нурли диёр” номли Навоий вилояти ҳақидаги безакли китоб-албомлар совға қилинди.

— “Бир макон, бир йўл”да маърифат учқуни сифатида икки давлат, икки халқ кўнгилларини мустаҳкам боғлашга хизмат қилган ана шу тадбир ёшлар ҳаётида ўчмас из қолдирди, — дейди АКМ директори ўринбосари Шамсия Бақоева. — Улар инглиз ва хитой тилларидаги 600дан ортиқ янги китоблардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

— Республикамиздаги етакчи нашриётлар — “Ўзбекистон”, Ғафур Ғулом, “Шарқ”, “Чўлпон” нашриётларидан буюртмамиз асосида китоблар келиши бошланди, — дейди вилоят АКМ директори Рамазон Ражабов. — Айни кунларда Ўзбек Миллий Энциклопедиясининг 1-12 томигача 20 донадан, Ойбекнинг “Навоий” романи, А.Чеховнинг ҳикоялари, эртаклар ва бошқа бир қатор севиб ўқиладиган китоблар етиб келди. Бундан ташқари, вилоят кўзи ожизлар жамияти кутубхонаси учун ҳам 20 миллион сўмлик брайл алифбосидаги китобларга буюртма берилган.

Шу куни Навоий шаҳридаги “Ширин” маданият саройида вилоят ҳокими Қ.Турсунов иштирокида меҳмонларни тантанали қабул қилиш маросими ўтказилди.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**
**“Xabar”нинг Навоий вилоятидаги мухбири**

## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

# Ўқитувчи ўқувчининг телефонини олиб қўйишга ҳақлими?

*— Ўғлим мактабда ўқийди. Уни назорат қилиш учун мобил телефон олиб берганман. Ўқитувчиси ўғлимнинг телефонини олиб қўйибди. Бундай қилишга унинг ҳаққи борми?*

*Шуҳрат ҒАФУРОВ*
*Тошкент шаҳри*

— Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги 139-қарори билан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланган бўлиб, таълим муассасаларида ўтказиладиган ўқув машғулотлари ва тадбирлар бошланишидан олдин таълим олувчилар телефонини ўчириб қўйиши ҳамда сумкасига солиб қўйиши шарт.



Таълим олувчиларга қуйидагилар қатъиян тақиқланади:

*а) телефонини бўйнига осиб олиш, кўкрак чўнтакларида, шим, юбкалари чўнтакларида ва шу кабиларда сақлаш;*

*б) телефон аккумуляторини зарядлаш учун таълим муассасаси электр тармоқларига улаш;*

*в) телефони ёрдамида:*

*- атрофдагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғиб қилувчи видео ва суратларни намойиш қилиш;*

*- таълим муассасасининг нуфузига, шу жумладан, зўравонлик ва вандализм ҳолатларини суратга олиш ва кейинчалик уларни атрофдагиларга намойиш этиш йўли билан зарар етказиш;*

*г) ўқув машғулотлари вақтида:*

*- телефон орқали сўзлашиш ҳамда SMS (MMS) ва бошқа турдаги хабарларни жўнатиш;*

*- телефонни стол устига қўйиш;*

*- мусиқа тинглаш;*

*- сурат ва видеотасвирларни кўрсатишда телефондан фойдаланиш, тасвир кўриш, диктофон, калкулятор, календар, блокнот, ён дафтарча кабилар сифатида фойдаланиш;*

*- суратга олиш ва видеотасвирга тушириш;*

*- телефон орқали бошқа хизматлардан фойдаланиш.*

*Таълим муассасасида таълим олувчиларга машғулотлар ва тадбирлар оралиғида фақат асосли ва кечиктириб бўлмайдиган зарур ҳолатларда ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчилар), яқин қариндошлари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ёки ходимлари билан зудлик билан боғланиш мақсадида телефонлардан фойдаланишга рухсат этилади.*

Ушбу низом талаблари бузилган тақдирда таълим муассасасининг педагог ходими таълим олувчидан телефонни олиб қўйиш, билдиришнома расмийлаштириш ва уни телефон билан бирга таълим муассасасининг директорига ёки директор ўринбосарига, кейинчалик уни ота-оналарга бериш ҳуқуқига эга.

Демак, сизнинг ўғлингиз таълим муассасасида мобил телефондан фойдаланиш тартибини бузган тақдирда, ўқитувчи унинг телефонини муассаса раҳбариятига ёки сизга бериш шарти билан олиб қўйиши мумкин.

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

***"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси филиалнинг "225-ЭАТС" бўлими олий тоифали муҳандиси Гулайым КУМИСБАЕВАни 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилайди.***

Xabar

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

**Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
**Азим АХМЕДХАДЖАЕВ** (Ҳайъат раиси), **Иброҳим ЖЎРАЕВ, Шуҳрат ҚОДИРОВ, Шуҳрат АТАМУҲАМЕДОВ, Тўлқин ТЕШАБОЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Лутфилло ТУРСУНОВ** (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:
**100105, Тошкент,**
**Толлимаржон кўчаси, 6-уй.**
**Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78**
**Факс: 291-43-70. E-mail: *info@xabar.uz***

***Обуна индекси — 228.***

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Навбатчи: **Собит АҲАДОВ.**

**Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.**

**Газета ҳафтанинг жума куни чиқади**

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-243 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 9125 нусха.

**ISSN 2010-6424**
Босишга топширилди — 21.30.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

| Андижонда | Бухорода | Жиззахда | Наманганда | Навоийда | Нукусда | Самарқандда | Термизда | Тошкентда | Урганчда | Фарғонада | Қаршида |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 226-47-80 | (0365)600-87-21 | (94) 199-95-64 | (91) 353-71-25 | 225-91-10 | 554-35-45 | (91)557-84-44 | (91)235-88-68 | 291-43-28 | (97) 211-65-05 | 244-18-05 | (93)931-08-99 |